



Ashonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 14-yanvar № 6-7 (2888) juma

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни ва ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб ишга бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 19 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу йил халқимиз барчамиз учун энг улуг, энг азиз бўлган шонли сана — Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрамини кенг нишонлайди.

Ана шу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўтган давр мобайнида амалга оширган, ўзининг кўлами ва моҳиятига кўра гоят улкан ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Юртимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қолиплардан принципиал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқичма-босқич амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга ва минтақамизда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри талабларига жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Кўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди.

Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуқтаи назаридан ноқулай, самарасиз бўлган қўшилмаларнинг, кўп поғонали бошқарув тизимининг тугатилиши армиямиз қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлиналарнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига раҳна солишга, унинг ҳудудига суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай тажовузор босқинчи зарба бериш қобилияти юқори даражада ошди.

Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими яратилди. Бу тизим ҳарбий хизматчиларга ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятнинг тажриба ва малакасини эгаллаш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгармоқда. Ушбу билим юртларида бўлғуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари замонавий фикрлайдиган, ўз халқи, ўз Ватанига садоқатли офицер кадрларни шакллантиришни таъминлайдиган мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги вақтда кўшинлардаги ҳарбий хизматчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи ўқув машғулотларини жанговар вазиятга мумкин қадар тўла яқинлаштирилган ҳолда олиб бориш имконини берадиган замонавий тренажёр мажмуалари, моделлаштириш ва симуляция воситалари билан жиҳозланган сержантлар тайёрлаш мактабларида тайёргарликдан ўтгани айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тизим ўқув материални янада сифатли ўзлаштириш, бирламчи бўгин командир кадрларининг тайёргарлик

жараёнини ўзгартириш, сержантлар корпусини соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни ва ҳарбий интизомни шакллантириш таянчига — Қуролли Кучларимизнинг мустаҳкам ўзагига айлантириш имконини берди.

Қуролли Кучларнинг қисм ва бўлиналарини қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари билан таъминлаш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилиши, чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар тизимини принципиал жиҳатдан ўзгартириш, ҳарбий бўлиналарда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, армиямизнинг жанговар тайёргарлигини бутунлай оширишга олиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган катта ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳарбий хизматчилар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда. Фақат кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юртларига киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.


Бугун ўтган давр мобайнида ҳарбий ва мудофаа қурилиши, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз сарҳадларининг мудофааси ва ҳимояси, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишталигини таъминлаш ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айта оламиз.

Қадрли дўстлар!

Бизнинг энг муҳим вазифамиз — ҳар жиҳатдан замонавий, ҳаракатчан, яхши қуролланган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни шакллантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, унинг тизимли ва комплекс модернизация қилинишини таъминлашдан, қисқача айтганда, халқимиз муносиб ва ҳақли равишда фахрлана оладиган Қуролли Кучларни яратишдан иборатдир.

Афғонистондаги вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётгани, наркотрафик, халқаро терроризм, экстремизм кенг тус олаётгани, бизга чегарадош баъзи мамлакатларда юзага келган беқарорлик, шунингдек, минтақамизда бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг сақланиб қолаётгани биздан Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо хушёр ва огоҳ бўлиш, яқин атрофимизда иғво кўзғатиб, кескинлик ва қарама-қаршилик ўчоқларини келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этишга тайёр туришни талаб қилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВКУЛОДА
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол гоёси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Якубов Джахангир Тулкинович — Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти кафедра бошлиғи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Слизкий Борис Евгеньевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-клиник госпиталининг травматология бўлими бошлиғи — бош травматологи

(Давоми 2-3 бетларда).

Элу юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг мустаҳкам қалқони

Озод ва обод Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик бебаҳо бойлигимиздир. Халқимиз азалдан тинчлик ва осойишталикни Ватан, она, озодлик каби муқаддас тушунчалар қаторида улуғлаб, эъзозлаб келади. Ватан озодлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги ҳимоячилари эса мудом ҳурмат-эътиборда.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи. Минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган хатарларни тизимли ва чуқур таҳлил қилиб бориш, уларнинг ўрта ва узоқ келажакда олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини инobatта олган ҳолда, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини кузатиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб боришимиз зарур.

Аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган бир қолипдаги ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига раҳна соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши Қуролли Кучларимизнинг муносиб ва самарали зарба бериш имконияти ва тайёргарлигини танқидий баҳолаб боришимиз даркор.

Иккинчи. Барча қўшин турларини бошқариш ва ўзаро узвий мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини янада ошириш, қисм ва бўлинмаларнинг стратегик, оператив ва тактик нўқтаи назардан аниқ ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш, мамлакатимиз чегараларини бузиб, юртимизга бостириб киришига қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларга зарба бериш ва уларни бартараф этишга доимо тайёр туриш лозим.

Бу борада Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округларнинг қўмондонлик ва штаблари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Ушбу тузилмалар ҳозирги шароитларда ҳар қандай хавфнинг чорасини олдиндан кўришига ва узоқни кўзлаб иш олиб боришига тайёр бўлиб турган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа тизимидаги заиф нўқталарни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг бартараф этилишини таъминлаш учун қўмондонлик-штаб ўқув машқларида айна шундай тайёргарликлар устида ишлашни мақсад қилиб қўйиши зарур.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи Қуролли Кучларни бошқариш, режалаштириш ва қўллаш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, бошқаруving информациони воситалари ва ҳарбий алоқа тизимларини уйғунлаштиришни, Қуролли Кучларимиз ахборот-коммуникацияларининг рақамли ягона тармоғини яратишни тақозо этмоқда.

Учинчи. Барча даражадаги қўшин турларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида қўмондонлик-

штаб, тезкор-тактик, тактик-маҳсус ўқув машқлари ва машғулотларини ўтказиш, индивидуал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарликнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳамкорликдаги операцияларга жалб этиладиган чегара қўшинлари, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари, вертолёт-ҳужум бўлинмалари ва маҳсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, бошқа жалб қилинадиган қўшин турлари ҳамкорлигида турли модель ҳамда вариантларни амалда қўллаш барча ўқув машғулотларининг муҳим таркибий қисмига айланиши шарт. Шу борада ҳарбий округлар қўмондонликларининг турли хавф-хатар ва таҳдидларга қарши тезкор зарба бериш бўйича вазифаларни ҳал қилишда белгиланган операция йўналишлар доирасида амалда мустақил ва ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлишига эришиш лозим.

Тўртинчи. Қуролли Кучларимизнинг ҳаракатчанлиги, ўзини ўзи бошқариши, юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишига эришишда ҳарбий қисм ва бўлинмаларни модернизация қилиш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, алоқа ва индивидуал ҳимоя воситалари билан қайта жиҳозлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қуролли Кучларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини назарда тутган ҳолда, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолёт техникаси, бронетанк қурол-яроғлари, артиллерия тизимлари, зенит ракеталари комплекслари, залпли ўт очишнинг реактив тизимлари, юксак даражада аниқ нишонга оладиган замонавий қуроллар, индивидуал ва гуруҳ шаклида, шу жумладан, радиоактив нурланиш ҳамда кимёвий ва биологик қуроллардан ҳимояланишнинг маҳсус восита ва техникаларини модернизация қилиш ва уларнинг замонавий намуналарини сотиб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Бешинчи. Қуролли Кучларимизни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири — офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига, жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштириш салоҳиятига эга, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқариш, уларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни қарор топтиришга қодир бўлган профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуқсиз тизимни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Қуролли Кучлар қўмондонлиги ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёр-

лаш мактабларини энг замонавий таълим жиҳозлари, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер техникаси, ҳарбий полигон асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласига бундан буён ҳам асосий эътибор қаратиши лозим. Ўқув жараёнини ташкил этишда ҳарбий соҳани ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини, муайян ҳудуд доирасида тез ва шиддатли тарзда кечадиган операциялар ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш бўйича бугунги тажрибаларни акс эттирадиган фан ва ихтисосликларни ўзида мужассам этган замонавий таълим дастурларига асосланиш зарур. Курсантларни назарий жиҳатдан тайёрлаш уларнинг қўшинлар сафидаги амалий тайёргарлиги билан узвий равишда тўлдирилиши, кундалик жанговар хизмат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Буларнинг барчаси ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва инструкторлари таркиби олдида алоҳида юксак талаблар қўяди. Улар юқори даражадаги профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиши, замонавий ўқув-тарбия ишларининг шакл ва усулларини пухта эгаллаган ҳолда, ўзининг педагогик ва ҳарбий-профессионал малакасини доимо ошириб, хорижий армияларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириб бориши даркор. Мухтасар айтганда, улар ўз хизмат бурчини юқори даражада адо этиш, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, юксак маданият ва ахлоқ борасида ибрат ва намуна кўрсатишлари лозим.

Юқорида зикр этилган масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси олдида катта вазифалар турибди. Яқинда уни тубдан қайта ташкил этиш жараёнида олий қўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш масъулияти айнан шу академияга юклангани ҳам бунинг яққол далилидир.

Ҳарбий таълим тизимини модернизация қилишда етакчи хорижий давлатлар, жумладан, НАТОга аъзо мамлакатларнинг офицер ва сержантлар тайёрлаш тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Олтинчи. Мудофаа қурилиши соҳасидаги ислохотларнинг муваффақияти шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси билан бевоқифлик боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъ-

минлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она Ватан тақдирини учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.

Бу мақсадларга эришиш учун энг замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, етакчи жамоат ташкилотлари, олимлар, мутахассислар, маданият ва санъат намояндalarининг куч ва имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий ҳарбий шахарчалар барпо этиш, ҳарбий округлар миқёсида интеграцияланган қўшинларорти таъминотини йўлга қўйиш, ижтимоий, уй-жой, маиший, тиббий таъминот тизимларини яратиш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш вазифалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Бу вазифаларнинг ўта муҳим аҳамияти шундаки, авваламбор бугунги шароитда фақат пухта тайёргарликка эга бўлган, ҳар томонлама яхши таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган Қуролли Кучларини хавфсизлик ва барқарорликнинг, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, пировард натижада эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигининг, осуда ҳаётимизнинг мустақкам ва ишончли кафолати бўла олади.

Азиз ватандошлар!

Мана шу қутлуғ айёмда сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 19 йиллиги билан яна бир бор табриклар эканман, барча ҳарбий хизматчиларга — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга — бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида масъулиятли хизмат вазифасини ўтаётган юртимизнинг мард ва жасур ўғлонларига, Ватанимизни ҳимоя қилишдек олижаноб бурчини муносиб адо этаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик сўзларини изҳор этишдан бахтиёрман.

Барчангизга янги 2011 йилда мустақкам соғлиқ, бахт ва омад тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош
Қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчликни, барқарорликни ва жамоат тартибини мустақамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотланди:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан Саломов Фазлитдин Ибодуллаевич — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдурахимов Хошимжон Абдухалимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

Кадиров Фаррухжон Мухторович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантларни тайёрлаш мактаби цикл бошлиги

Курбонов Ақобир Собирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлиги ўринбосари

Турдикулов Умиджан Абдуссатар ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантларни тайёр-

лаш мактаби цикл бошлиги — ўқитувчи

II даражали

«Шон-шараф» ордени билан

Абдувахобов Абдуқодир Абдумажидович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири ўринбосари

Джалалов Мансур Маъруфович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Толипов Дильшод Абдуҷабборович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири **Хужамов Хамид Мухитдинович** — Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири **Шарипов Хуршид Рафикович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

«Дўстлик» ордени билан **Бегимкулов Ильхом Байрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиги ўринбосари **Ибрагимов Баходир Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири **Ҳакимова Наталья Георгиевна** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик би-

лим юрти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси доценти

Эргашев Зайлиддин Абдуллакович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

«Жасорат» медали билан **Абдуллаев Зафар Аҳметжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими **Абдуназаров Акбар Абборович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси взвод мутахассиси
(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми.)

Боши 1-2 бетларда).

Авазов Гайрат Норбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Азимов Холмаҳмад Абдиразоқович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Аметов Абат Мнаҳатдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Арслонов Баҳром Баҳодир ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси взвод мутахассиси

Ашуров Дилмурод Холмамадович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Байзақов Камолiddин Мирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бобоназаров Розик Пулатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Девликамов Ваис Рамиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дустов Найимжон Хурсанмуратович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Ем Дмитрий Владимирович — Давлат божхона кўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси «Айритом» божхона комплекси бошлиғи

Ибрагимов Аслиддин Эркинович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисм катта инструктори

Ибрагимов Сапарбай Юнисбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Исмоилов Искандар Исломович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Йўлдошев Элёр Гулмуродович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси кавалерия секцияси ўқисси

Корабоев Абдувоҳоб Одилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Курбанов Илхомжон Иргашалиевич — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Мадреймов Хамза Ибайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Маликов Бабир Турсунович — Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси уста гаввос — кутқарувчиси

Мамадалиев Нодирбек Адхамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мирзаев Абдурашид Миррагламович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

публикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мусулманов Инаятилла Неъматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

Муҳаммадиев Ибодулла Аҳмадович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Норов Соҳибжон Зикриллаевич — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қўдирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

Нурмаматов Хуршиджон Олимджонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Нурманов Нарзулла Ортикович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командири ёрдамчиси

Пирназаров Баҳром Чоршанбиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Расулов Завқиддин Эсанович — Навоий вилояти Кармана тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган қисми бўлинма командири

Сайдалиев Гайратжон Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сайканов Суннатилла Исмамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Сапаров Акрам Умирзақович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Турдибаев Равшан Маҳкамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секция командири

Умаров Кахрамон Анарбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Уразов Мусан Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хабибуллаев Толипжон Бойдадаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хакназаров Отабек Бахтиёр ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хамраев Исмоил Маматкулович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Холмуратов Улугбек Турсунмуратович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эгамов Назиржон Муродуллаевич (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси гуруҳ мутахассиси

Эминов Авазбек Абдумажитович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси отряд бошлиғи

Юлдашев Рузибой Ирисбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

ҳарбий қисм гуруҳи секция командири

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдуллаев Азиз Ражабович — Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган отряди бўлинма командири

Абидов Улугбек Хожимурат ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Айназаров Турамурод Мамараимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Алимов Муратджон Пулатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Артиков Жалалдин Абдумуталибович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Артиков Шавкат Ядгарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари

Болтаев Олимжон Киличович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

Борисовский Олег Владимирович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Дементьев Евгений Петрович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дехканов Улжабой Акрамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Енгаличев Марат Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмат бошлиғи

Идрисов Улугбек Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони катта техниги

Исмоилов Ахроржон Азамджонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлиғи

Қдирбаев Жеткербай Каипбергенович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Кузибаева Умидаҳон Аҳмаджоновна — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Кучкаров Хусан Маҳкамбаевич — Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти кафедраси бошлиғи

Кучмуратов Анвар Хатамович — МХСК командаси бошлиғи ўринбосари

Маматкулов Илхомжон Аҳмаджонович — Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси

Махмудов Азамат Раҳмонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Машарипов Дилмурод Эгамбергенович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Мелиев Олимджон Абдуллаевич — Бухоро ҳарбий суди раиси

Норов Сарвар Хамзаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми дивизион командири

Перевозников Виктор Петрович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Пирниязов Арман Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси взвод инструктори

Раимов Муминжон Исмадуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сагитов Азат — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Божхона статистикаси ва таҳлил маркази бошлиғи

Суннатов Ибодулла Мамирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Тожибоев Аҳад Муқимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Тошматов Умарали Набиджонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Турпачов Олимжон Юсупжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Уматов Хамза Базарбаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

Хужамкулов Икромжон Гафурович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Хуррамов Тура Нафасович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта механик-ҳайдовчиси

Хушваков Кахрамон Мойлиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

Эгамбердиев Жамшид Хикматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юлдашев Обиджон Суянович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Рустам Убайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Алиева Мухтарамхон Худайбердиевна — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси гуруҳи секция командири

Гафуров Нодиржон Нарзуллаевич — Андижон ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси

Гаюпов Гуломжон Аликулович — Сирдарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси

Дарвешов Аҳмеджон Ризоевич — Ўзбекистон Республи-

каси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

Джаббаров Маъруфхон Сайдумархонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси контрабандага қарши курашиш Бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Жуманиязов Жуманазар Уринбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ командири

Журабоев Уткирбек Хатамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси взвод оператори

Кадиров Абдурасул Валиевич — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент техника мактаби катта инструктори

Мадалимова Севара Юлдашбаевна — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Миртожиев Абдуллажон Равшанбекович — Тошкент ҳарбий-академик лицейи взвод командири

Пардаева Наргиза Салиходжаевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми назоратчиси

Стряпчаева Валентина Васильевна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлинма мудири

Тешабоев Мурод Ойхужаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

Тураев Обиджон Сайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми катта офицери

Турсунов Ровшан Хамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шакиров Шухрат Аткамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Ширинов Умиджон Турсунбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Шокиров Азим Султонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири ўринбосари

Юлдашев Дильшодбек Хуснидинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси гуруҳ командири

Юлдашев Мазахид Абдурахимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юсупов Фаррух Маткаринович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси гуруҳ инструктори

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2011 йил 11 январ

И. КАРИМОВ



Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб йил давомида амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Мардлар кўриклайди ватанни

Дастурдан хусусан, корхона, ташкилот ва муассасалар, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида ушбу байрамга бағишланган тантанали йиғилишлар, суҳбат ва кечалар ўтказиш, олис ҳарбий шаҳарчаларда истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчиларнинг меҳнатга лаёқатли бўлган оила аъзоларини иш билан таъминлаш, улар орасида касаначилик, уй меҳнати билан шуғулланувчиларга шарт-шароитлар яратишда кўмаклашиш, Ватан хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда ўз жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш масалалари ўрин олган. Шунингдек, хизмат вазифини ўташда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларга эришган аскар ва зобитларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш, ҳарбий ўқув юртлари талабалари учун касаба уюшмаларининг устама стипендияларини таъсис этиш, «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида ҳарбий хизматчилар учун санитария-гигиена ва уларнинг фарзандлари, шунингдек, хизмат вазифини

сани ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратиш, ҳарбий қисмларга яқин жойлашган ўқув юртлари қошида компьютер, чет тилларни ўрганиш тўғрисида ташкил этиш ва ушбу тўғрисида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини жалб этишга эришиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари ғамхўрлигидан ҳарбий соҳадаги фахрийлар ҳам баҳраманд бўлишади.

Айни кунларда ҳарбий қисмларда касаба уюшмалари бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ташкил этилмоқда, ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, тармоқ касаба

уюшмалари Марказий кенгаши ва ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари курсантлари билан «Мустақам тинчлик ва барқарорлик — осойишта ҳаёт ва тараққиёт гарови» мавзусида икки авлод учрашувлари ва давра суҳбатлари, ўқишда ва жамоат ишларида ўрнатилган кўрсаткич талабаларнинг Республика-мизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатлари уюштирилаётир.

М.ЎРМОНБЕКОВА,
ЎЗКУФК матбуот котиби



Элу юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг мустақам қалқони

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу кунларда мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 19 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 13 январь куни ушбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилгани таъкидланган. «Мудофаа тўғрисида»ги ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

Истиқлол йилларида юртимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, Ватанимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга қақрувнинг бир йилда бир марта, танлов асосида ташкил этилаётгани, сафарбарлик-қақрув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишнинг нуфузи ортиб, бу йигитларимиз учун эзгу орзуга айланди. Ҳарбий хизмат ёшларимизни жисмонан ва маънан чиққитириш билан бирга, улар қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, Ватани ва халқига садоқат каби фазилатларни мустақамламоқда.

Президентимиз фармонида мувофиқ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъана тусини олган уч босқичли танловга асосан, 2010 йилдаги энг илғор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командирлари ва энг илғор сержантлар аниқланди. Мазкур танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор сержантлар тайёрлаш мактаби, мудофаа ишлари бошқармаси, олий ҳарбий билим юрти, ҳарбий қисм ҳам мукофотланди.

Йиғилишда сўзга чиққан капитан Обиджон Тўраев, кичик сержант Баҳром Арслонов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов байрам қатнашчиларини миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

Болалигимизда ҳарбий хизматдан қайтган акаларимизга пешвоз чиқиш, улар билан гурурланиш ода-данимизга айланганди. Салобат, жиддийлик, чайир ва бақувват қомат — кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган ҳарбий хизмат даврида шунчалик ўзгариш. Хизмат давридаги қизиқ-қизиқ воқеаларни, ҳарбий машқ ва амалиётлар ҳақидаги ватансеварликка йўғрилган, дангаллик уфуриб турадиган ҳикояларни жон қулоғимиз билан тинглардик. Бу бизнинг ҳам қалбимизда жасорат, мардлик хислатларини уйғотиб, ҳарбий хизматга бўлган қизиқишимизни янада оширарди...

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йил 12 январь куни пойтахтимизда «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилиши қалбимиздаги ана шундай ҳавасни, мақсадни ўзида акс эттиргандек бўлди. Жасур аскарнинг ватан байроғини кўзига тўтиб қилган ҳолда эл-юртни ҳимоя қилишга қасамёд қилаётгани, Ватан тинчлигидаги мунис ва муътабар онанинг ҳарбий хизматга шайланган фарзандига оқ фотиҳа бераётгани юрагидан шашти бор ҳар бир ўғлонни жунбушга келтириши тайин. Юртбошимиз қайд этганидек: «Ушбу ҳайкал сиймосида Қуролли Кучларимиз сафига киришга тайёргарлик кўраётган минг-минглаб азму ши-жоатли ёшларимизнинг ҳам юксак орзу-интилишлари ўз аксини топгани, айниқса, эътиборлидир». Мана шундай улғу мақсад йўлида бел боғлаган Ватан ҳимоячиларини ҳар қанча қадрласак, арзийди.

Ўтган 19 йил мобайнида мамлакатимизда юксак талаб ва жаҳон стандартларига жавоб берувчи замонавий миллий армияни барпо этишда кўлами жиҳатидан улкан, мазмун-моҳияти жиҳатидан муҳим ишлар амалга оширилди. Қуролли Кучлар қурилишининг принципиал жиҳатдан янги моделининг яратилиши ва жорий этилиши, унинг мамлакатимиз хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги роли, дунё тажрибасининг энг яхши намуналари, ҳарбий фан ютуқлари ва янги технологиялардан фойдаланган ҳолда профессионал асосдаги армияни ташкил этиш шулар жумласидан.

Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига

қўшимча имтиёзлар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Айниқса, 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон эътиборга молик. Унга кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўташ бир йил этиб белгиланиб, Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — феврал-март ойларида қақририлиши, армияни бутлаш тартибининг яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда.



Бурч,

га аскарлик бурчи ва масъулиятини тушунтириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар натижасида қақрилувчиларнинг ҳарбий соҳага оид тушунчаси бойиб, улар ўртасида муддатли ҳарбий хизматни ўташга бўлган қизиқиш ва интилиш йилдан-йилга ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдоринда имтиёзга эга бўлади. Бундан ташқари, «Камолот» ЁИХ муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида фаоллигини намоян этса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлаб бераётгани диққатга сазовор. Шу боис сўнгги йилларда муддатли ҳарбий хизматга боришни хоҳловчилар кўпайиб бораётир. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларга лавозим ва ҳарбий

Қалқон бор, қалъа бут, қўрғон саломат.

Ватанимиз кундан-кунга чирой очмоқда, ривожланмоқда. Турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларимиз, улкан муваффақиятларимиз билан ҳар қанча гурунлансак арзийди. Буларнинг барчаси, энг аввало, тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Тинчлик ҳақида гап кетганда, кўз ўнгимизда беихтиёр мағрур ва алпқомат ҳарбий хизматчилар — Ватан ҳимоячилари гавдаланади. Ана шундай шарафли касб эгалари сафида ўғлимнинг ҳам борлигидан фахрланаман.



Ўғлим — фаҳрим, гурурим

Ўғлим Музаффар Назаров умумтаълим мактабини тамомлагач, касб-ҳунар коллежидан спорт мураббийлиги йўналишида таҳсил олди. Спорт билан ҳамнафаслик келгуси фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Коллежни битиргач, зиммасидаги бурчини ўташга қарор қилди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, аскарликка муносиб топилди.

Армия фарзандимнинг ҳаётидаги туб бурилиш даври бўлди, десам янглишмайман. Чунки у хизматдан мутлақо бошқача — дунёқараши кенгайган, қатъиятли, бир сўзга, ўз кучига ва келажакка ишончи юксак инсон бўлиб қайтди. Буни барча маҳалладошлар, қавм-қариндошлар ҳам эътироф этишди. Музаффарнинг ҳаётида мударатли ҳарбий хизматдан қолган таассуротлар шугина эмас. Аскарлик йиллари, армия ҳаёти унинг қалбида ҳарбийликка бўлган қизиқишни кучайтирди. Натижада, шартнома асосида хизматни да-

вом эттирди. Ўтган йиллар мобайнида соҳага оид билимлари бойиди, маҳорати ортди, жисмонан ва маънан шаклланди. Бир сўз билан айтганда, касбининг чинакам устасига айланди.

Айни пайтда у Марказий ҳарбий округнинг сержантлар тайёрлаш мактабидан таҳсил олмоқда. Мазкур даргоҳда оладиган сабоқлари билимининг кенгайишига, армиямиз суянчи ва таянчи деган юксак мақомга муносиб ҳарбий хизматчи бўлиб шаклланишига хизмат қилади, деб ишонаман.

Шу кунларда юртимиз бўйлаб қўтлуг байрамларимиздан бири — Ватан ҳимоячилари куни кенг миқёсда нишонланмоқда. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, барча ҳарбийларни, Ватаннинг асл фарзандларини самимий табриклайман.

Чинниҳон НАЗАРОВА,
Наманган вилояти Уйчи тумани

Давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига доимий равишда эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Буни ватан ҳимоячиларининг хизмати ва оилавий ҳаёти билан боғлиқ ҳар жабҳада кузатиш мумкин. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан олиб бориладиган ишлар бўлими мутахассиси Ҳилола Ҳамроева шу ҳақда бизга батафсил гапириб берди:

Эътибор ва ғамхўрлик

— Ҳарбий хизматчиларнинг бурчи қай даражада улғувор ва машаққатли бўлса, уларга қаратилган ғамхўрлик ҳам шу даражада юқоридир. Тиббий хизматни оладиган бўлсак, Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги доимий назоратда. Репродуктив саломатликини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга ошириляпти. Ўтган йилда «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан икки минг нафарга яқин ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнига малакали шифокорлар жалб этилди. Мисол учун, Шимолий-ғарбий ҳарбий округга қарашли ҳарбий шаҳарчада Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат поликлинисига гематолог шифокори Р.Зарипова, ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази шифокорлари У.Жуманазарова, М.Утарбаева, эндокринология диспансери шифокори

Х.Мамбеткаримова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси педиатр шифокори Г.Кайпанова кўрик жараёнига жалб этилди. Баъзи касалликларнинг олдини олувчи дори воситалари тарқатилди.

Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг маданий ҳордиқ чиқаришига ҳам катта эътибор қаратилган. Қадамжолар, истироҳат боғлари, музейларга саёҳатлар уюштирилди. Айниқса, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ва ногиронликка чиққан ватан посбонларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, уларнинг фарзандларига Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳига ҳар йили имтиёзли йўланмалар ажратилади. Жорий йилда бир қанча ўғил-қизлар вазирликнинг ёрдами билан олий ҳарбий билим юртлири, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилинди. Шунингдек, ишга жойлаштириш, имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш йўлга қўйилган.

З.ЮНУСОВА

унвонлар учун бериладиган пул маблағларининг доимий ошириб борилиши хизмат нуфузини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.

Кувонарли жиҳати, ўтган йилларда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Шунингдек, Жиззах олий ҳарбий авиация би-

қўмондонлик билим юрти голиб чиқди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур муассаса Куролли Кучларимизга юқори малакали профессионал офицер кадрлар тайёрлаб берадиган етакчи ўқув даргоҳларидан биридир. Катта салоҳият ва малакали педагоглар жамоасига эга муассасада курсантларнинг замонавий фанлар ва ҳарбий билим сирларини эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, маданий-маърифий ҳордиқ чиқари-

ҳолда Куролли Кучлар миқёсида ўтказиладиган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг «Энг илғор сержант» номинациясида икки марта (2009-2010 йиллар) голиб бўлдим.

«Энг илғор мутахассис» танловида ҳарбийлар югуриш, турникда тортилиш, техник тайёргарлик, жанговар қуролдан нишонга отиш каби шартлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини намойиш этишди. Ҳарбий топография, маънавий-маърифий ва назарий билимлар

— Ҳарбийлик нафақат шараф, балки улкан масъулият ҳамдир, — дейди қаҳрамонимиз Элмурод Отажонов. — Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш учун пухта ҳарбий тайёргарлик, ақл-заковат, юксак маънавият, мустаҳкам иродага



Жасорат, шараф

лим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факултет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Куролли Кучлар академияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида билимдон, маънан бой, ахлоқан ва жисмонан соғлом мутахассислар тайёрланмоқда. Муҳими, олий ҳарбий билим юртлирида ўқиш истагида ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Дарвоқе, Ватан ҳимоячилари куни арафасида Куролли Кучлар миқёсида ўтказиладиган қатор кўрик-танловларнинг якуний босқичлари бўлиб ўтди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги тизими олий ҳарбий билим юртлири ўртасида ўтказиладиган, йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётган «Энг яхши олий ҳарбий билим юрти» танловида Тошкент олий умумқўшин

ши учун барча зарур шароит мавжуд. Шинам ётоқхоналар, ошхона, замонавий кутубхона, спорт ва компьютер хоналари улар хизматида.

Байрам арафасида, шунингдек, Куролли Кучлар тизимидаги анъанавий «Энг илғор мутахассис» танловининг ҳам якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қўйи босқичларда юқори натижага эришган Мудофаа вазирлиги қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари вакиллари қатнашди.

— Юртбошимиз раҳнамолигида юртимиз Куролли Кучлари тизимида амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ҳарбийларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, маънавий-маърифий тайёргарлиги ҳамда жанговар шайлик ва касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада ташкил этиляётган кўплаб кўрик-танлов ва спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди сержант Отабек Алларов. — Ўзим ҳам ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган

бўйича тест синови топширишди. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, жанговар шайлигини ошириш мақсадида Олий ҳарбий билим юртлири ва сержантлар тайёрлаш мактаблари курсантлари ўртасида спорт Олимпиадаси турлари бўйича ёзги ва қишки Олимпиада ўйинлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Республикамиз раҳбарияти ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, улар турмушининг қулай бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Янги йил байрами арафасида юртимизнинг турли ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишига топширилди. Кўплаб ҳарбийларимиз байрамни оиласи билан янги уйда кутиб олди. Жумладан, Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган бир гуруҳ Ватан ҳимоячилари янги йил байрамини янги уйларда кутиб олдилар.

Улар орасида капитан Элмурод Отажонов ҳам оила аъзолари билан икки хонали уйга кирар экан, қувончи ичига сиғмаётгани сезилиб турарди.

эга бўлиш лозим. Бугунгидай эътибор, ғамхўрлик кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Президентимизнинг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига фуқароларни навбатдаги қақирув ҳамда мударатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мударатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қақирилиш мударатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақирув ёшидаги фуқаролари 2011 йилнинг феврал-март ойларида мударатли ҳарбий хизматчи қақирилади.

Айни пайтда жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари томонидан ушбу ҳужжат ижросини изчил таъминлаш, навбатдаги қақирувни юксак савияда ташкил этиш, ҳар томонлама етук ёшларни танлов асосида саралаш ишлари давом этмоқда.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Техникага қизиқиши катта

Мударатли ҳарбий хизматчи Жасур Шукуров айни пайтда ҳарбий қисмда ҳайдовчилик вазифасида хизмат қилмоқда. Жасур техникани яхши тушунади. Шу боисдан ҳам ўзига ишониб топширилган жанговар техникани доимо шай ҳолатда тутишга, кўз қорачиғида асраб-авайлашга ҳаракат қилади.

Аслини олганда, унда болаликдан автомобилга, умуман, техникаларга қизиқиш балеанд эди. Чунки оила бошлиғи Нусрат ака ҳам ушбу соҳанинг устаси ҳисобланади. Музабот туманида унга тенг келадиган техник кам топилди. Шундан бўлса керак, Жасур автомобилларнинг бошқарув механизмини сошлаш, авточилангарлик, ёқилги тизими, карбюраторга ишлов бериш, моторни қайта таъмирлаш ҳақида етарли тушунача эга бўлди. Мактабни битиргач, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан ҳайдовчилик сирларини ҳам ўрганди.

Ҳарбий қисмдаги аскарларнинг ақсарияти касб-ҳунар коллежларида таҳсил олган, бирор касбнинг эгаси. Оддий аскар Шукуров ҳам автомобилларни таъмирлаш, ҳайдовчилик борасида етарли тажриба тўплаган йигитлардан.

Жасур Шукуров ҳарбий хизматнинг белгиланган мударатини тугатганидан сўнг Тошкент давлат техника университетида ўқишга кириш ниётида. Юрт тинчлиги йўлида йигитлик бурчини ўтаётган Жасур каби мард ўғлонларимиз талайгина.

Шунқор БҮРИЕВ

Мамлакатимиз фуқаролари дунёнинг қайси давлатига бормасин, уларнинг қўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бўлади. Бу улғу неъмат, бахт эканини баъзан чуқур ўйлаб кўрмаймиз. Ҳеч кимга қарам бўлмаган, барча давлатлар билан тенг ҳуқуққа эга давлатнинг фуқароси бўлиш, аниқроқ айтганда, унинг ҳимоясида бўлиш том маънодаги бахтдир.

Юртимизда халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларига қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун ушбу жараённинг муҳим ҳуқуқий асосларидандир. Ушбу қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби паспорт тизими ҳам халқаро андозаларга мос тарзда такомиллаштирилмоқда. 2009 йил 23 июнда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинган бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Яқинда ушбу йўналишда яна бир муҳим ҳужжат — «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони матбуотда эълон қилинди.

Қайд этиш жоизки, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабр) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) Монреал Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолюцияси)га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаши шарт.




Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор, аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончлилиги ва халқаро бозордаги рақобатбардошлилигини ошириш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда электрон кўринишдаги маълумотларга эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортларини жорий қилиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирлар олиб борилди. Аввало, биометрик

Халқаро

андозаларга МОС



паспорт амалда бўлган бир қатор мамлакатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди.

Бадриддин ШОРИХСИЕВ, ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи:

— Айтиш жоизки, миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ички ишлар идораларига бир қатор вазифалар юклатилган. Утган даврда эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилди.

Мамлакатимиз Президентининг фармонида мувофиқ, замонавий халқаро стандартлар ва талабларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга хорижга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибининг янада такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг паспорт тизими тўғрисида»ги Низом, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низомлар асосида бугунги кунда мамлакатимизда икки турдаги электрон маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар тасдиқ-

ланди. Булар — фуқаролик паспорти ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахснинг чет элга чиқиш ҳужжати. Аҳолининг амалдаги паспортини янги турдаги биометрик паспортга алмаштириш икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқич 2011 йилни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда асосан, вазирликлар, идоралар ва муассасалар хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга, иккинчи босқич 2012-2015 йилларни ўз ичига олиб, қонунчиликда белгиланган барча фуқароларга паспорт берилиши кўзда тутилган.

Демак, жорий йилдан бошлаб мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилиши белгиланган. Биометрик ҳужжат шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиб, у ўз ичига эгаси билан боғлиқ физиологик маълумотларни ҳам қамраб олади. Бармоқ излари киритилишини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Янги паспортни 16 ёшдан бошлаб бериш кўзда тутилган бўлиб, ушбу паспортнинг амал қилиш муддати 10 йил этиб белгиланган. Чет элга чиқиш истагини билдирган 16 ёшга етмаган фуқароларимизга 5 йилгача бўлган муддатга паспорт берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур низомга кўра, фуқаролиги бўлмаган шахсларга

чет элга чиқиш учун ҳужжат бериш кўзда тутилган бўлиб, ушбу ҳужжатнинг амал қилиш муддати 5 йил этиб белгиланган.

Биометрик паспортлар марказлашган ҳолда расмийлаштирилади ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш билан боғлиқ ишлар ҳам қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

Янги намунадаги паспортни олиш учун фуқаролар доимий рўйхатдан ўтган ҳудудий ички ишлар идораларига, хорижда яшаётган фуқароларимиз ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик ваколатхоналарига ариза билан мурожаат қилдилар.

Шу жойнинг ўзида сурат ва бармоқ излари олиниб, электрон буюртма тайёрланади.

Ушбу аризалар асосида биометрик паспорт тайёрлаш учун Давлат персоналлаштириш марказига биометрик маълумотлар юборилади. Мазкур марказ буюртма асосида фуқарога биометрик паспорт расмийлаштиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг барча ҳудудий, жумладан, туман ва шаҳар ички ишлар идораларида хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmlари маъмурий биноларида биометрик паспорт билан боғлиқ масалаларни ҳал этувчи ходимлар учун хоналар ажратилди. Улар замонавий жиҳозлар, зарур асбоб-ускуналар би-

лан таъминланмоқда. Соҳага малакали кадрларни жалб этиш масаласи ҳам алоҳида эътиборда. Тегишли ўқув даргоҳларида уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Абдусаттор МАТКАРИМОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори:

— Юртимизнинг фармонида мувофиқ, 2009 йилда Давлат персоналлаштириш Маркази ташкил этилган эди. Давлат персоналлаштириш Марказининг асосий вазифаларидан бири марказлаштирилган ҳолда биометрик ҳужжатларни персоналлаштиришдан иборат. Айни вақтда марказ томонидан уч турдаги биометрик ҳужжатларни персоналлаштириш белгилаб қўйилган. Улар — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспорти, дипломатик паспорти ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахснинг чет элга чиқиш ҳужжати. Янги биометрик ҳужжатнинг амалдаги фуқаролик паспортдан фарқи шундаки, ушбу ҳужжат эгаси хорижга чиқишда, чегараларни кесиб ўтишда қатор қулайликларга эга бўлади. Иккинчидан, бу каби жараёнлар бир мунча тезлашади. Янги ҳужжат халқаро стандартлар талабларига тўлиқ мос келади ва ИКАО ташкилоти талабларига тўлиқ жавоб беради. Энг муҳими, ушбу электрон ҳужжатларнинг бланкалари республикамиздаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилади.

Эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилиши мамлакатимиз миллий паспорт тизимининг янада такомиллини таъминлаб, бу борада юртимизнинг халқаро андозаларга мослашувига хизмат қилади. Бундай чора-тадбирлар фуқароларимизга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам кенг қулайликлар яратиши шубҳасиз.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ, «Ishonch» муҳбири



● Боғи борнинг баҳори бор

Азал-азалдан фарзандлари, набиралари учун мевали дарахт ўтказиш, уларнинг уй ва иморатларига ярасин дея терагу тол қадаш ота-боболаримизга хос урф-одатдир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойида Истиқлолимизнинг 20 йиллигига муносиб тўёна ҳозирлаш учун «Кўчат экиш савобдир» шиори остида янги боғу роғлар, тикзорлар барпо этиш ҳақида республика ахлига мурожаат қабул қилинган эди.

Хайрли ишлар бошланди

Дастурхонимиз тўқинлиги ва атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш борасидаги ушбу хайрли чорлов Қашқадарё вилоятида ҳам илиқ кутиб олинди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотларнинг «Республика Мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам» шиори остида аҳоли бошига 20 дондан мевали ва манзарали дарахт кўчати экиш бўйича мурожаати маъқулланди. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев бошчилигидаги штаб иш бошлади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига жойларда кўчат экиш, боғ яратиш юзасидан олиб борилаётган ишларни назорат қилиш, ниҳолларнинг сифатли экилишига алоҳида эътибор қаратиш вазифаси юкланди.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида мазкур масалага бағишланган кенгайтирилган фаоллар йиғилиши ўтказилди. Кўчат экиш тадбирларини уюшқоқлик ва самарали ўтказиш режалари ишлаб чиқилди. Ишчи гуруҳи тузилди.

— Ҳар битта тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашилари, вакилликлар ҳамда туманларда, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида штаблар ташкил этилди, — деди биз билан суҳбатда бирлашманинг махсус штаби бошлиғи ўринбосари Исоқ Аҳмедов. — Кўчат экишни ташкил этиш ва бунга жойларда амалий ёрдам беришдан ташқари, касаба уюшма фаоллари бу ишда барчага намуна бўлишади. Вилоятда иш ҳақи оладиган касаба уюшма фаоллари 296 кишини ташкил этиб, қисқа вақт ичида ҳар биримиз 20 дондан жами 5920 та мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишни белгилаб олдик.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

● «Ishonch»га жавоб берадилар

Моддий ёрдам кўрсатилади

Боғот тумани «Хўжалик» қишлоғи «Янги қадам» маҳалласида яшовчи Б.Бекиеванинг аризаси вилоят хотин-қизлар кўмитасида атрофлича ўрганилиб, яшаш манзилида фуқаролар йиғини фаоллари билан муҳокама қилинди.

Аниқланишича, Б.Бекиева қишлоқ фуқаролар йиғини нафақа тайинлаш комиссиясига 2 ёшгача бола тарбияси учун нафақа тайинлашни сўраб 2008 йилнинг 16 февралда ариза билан мурожаат қилган.

Нафақа тайинлаш комиссияси томонидан унинг оиласининг моддий ва мулкӣ аҳоли ўрганилиб, далолатнома тузилган. Сўнгра комиссиянинг 2008 йил 29 февралдаги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан 2008 йил мартдан 2009 йил феврал ойигача нафақа тайинланган.

Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2008 йил 30 июлдаги 88-сонли қўшма хатига асосан 2008 йилнинг 1 августидан бош-

лаб 2 ёшгача боласи бўлган нафақа олувчи ишловчи оналар нафақа олаётган даврида ишга тушсалар, бу ҳақда комиссияга маълумот бериши кераклиги ва шу вақтдан нафақа тўхтатилиши кўрсатиб ўтилган.

Фуқаро Б.Бекиева қишлоқдаги 4-мактабда 0,5 ставка ишлаб туриб, комиссияга хабар бермаган. Боғот тумани прокуратурасининг 2009 йил 20 июндаги 10-09-сонли режа топшириғига асосан туман молия бўлими иқтисодчиси О.Саиджонов томонидан тафтиш ўтказилиб, Б.Бекиевага 2008 йил августдан 2009 йил январ ойигача 307130 сўм нафақа пули нотўғри тайинланганлиги аниқланиб, ушбу пулни бюджетга қайтариш тўғрисида далолатнома тузилган.

Б.Бекиева ушбу нотўғри тўланган нафақа пулининг 140240 сўмини қайтарган. Қолган 166890 сўми нафақа ҳисобчиси М.Тўраев томонидан қопланган. Б.Бекиева моддий ёрдам тайинлашни сўраб 2010 йил сентябр ойида ариза билан мурожаат қилган бўлиб, унинг аризаси ажратилган лимит маблағларининг етишмаслиги сабабли моддий ёрдам тайинлаш комиссиясининг 2010 йил сентябрдаги 9-сонли йиғилиш қарорига асосан рад қилинган. Б.Бекиеванинг оиласига 2011 йилнинг 1-чорагида моддий ёрдам тайинлаш режалаштирилган.

М.ФАНИЕВА,
Хоразм вилоят хотин-қизлар кўмитаси котибият мудир

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Пахтабод туманидаги Файзиобод маҳалласи энг файзли масканлардан биридир. Маҳаллада 2375 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда фаолият юритаётган йигирмадан ортиқ хусусий тадбиркор орасида аёллар ҳам кўп. Каттор тадбиркорлар чеварчилик, зардўзлик, дўппидўзлик билан шуғулланади.



— Юртбошимиз томонидан 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили деб эълон қилинганлиги тадбиркорларни янада руҳлантириб юборди, — дейди Файзиобод МФЙ раиси Фуломжон Ҳамроқулов.

Суратда: Файзиобод маҳалласи фуқаролар йиғинидаги якка тартибдаги хусусий тадбиркор Шавкатбек Расулов ташкил этган адрас ва гилам тўқиш цехи ишчиси Зулайҳо Аҳмедова.

Шерход ҚОРАБОЕВ (ЎЗА) олган сурат

Касаба уюшма ҳаёти

Хоразм

Тўққиз йилдирки, янги йилни хайрли тадбир билан бошлаш Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашида аъёнага айланган.

Хайрия тадбирида соҳа ходимларининг ногирон фарзандлари учун байрам дастурхони ташкил қилиниб, уларга театрлаштирилган томошалар намойиш қилинади, Қорбобо ва Қорқизнинг совғалари топширилади.

Бу йилги байрамга 60 дан зиёд болажонлар таклиф қилинди. Улар учун Огаҳий номидаги вилоят театри актёрлари томонидан қиш эртаги саҳна асари намойиш қилинди.

Сурхондарё

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан беш йилдан буён уч босқичли «Бошланғич касаба уюшма ташкилоти жанговарлиги учун» кўрик-танлови ўтказиш аъёнага айланган.

Ўтган йил якунларига кўра, Термиз ахборот технологиялари ва маънавий хизмат касб-хунар коллежи, Давлат акционерлик тижорат «Аска» банки ҳамда Термиз иқтисодий коллежи бошланғич касаба уюшма кўмиталари голиб чиқишди.

Шунингдек, голиблар вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Фахрий ёрлик» ҳамда дам олиш учун бепул йўлланмалар билан тақдирланишди.

Жиззах

Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан Пахтакор туманида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда меҳнат қонунчилиги, иш юритиш, ижро интизоми ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудирлари Ш.Тожибоев, И.Юнусов, А.Сангиловнинг соҳага оид янгилик ва ўзгаришлар ҳақида маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Бундай семинарлар Жиззах шаҳри, Дўстлик, Фаллаорол ва Арнасой туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Бухоро

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши ибратли ташаббус билан чиқди. Жамоа аъзолари Федерацияси V Курултойи делегатлари ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатларининг мурожаатларига амалий иш билан жавоб бериш учун «Кўчат экиш — савобдир» ҳамда «Бухорони боғ-роғлар воҳасига айлантирайлик!» шиорлари остида изчил тадбирлар белгилашди.

Улар вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тасарруфида бўлган Шофиркондаги «Мингчинор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи яқинидаги ташландиқ ярим гектар майдонни ўзлаштирган ҳолда «Тиббиёт ходимлари боғи»ни ташкил этишга астойдил бел боғладилар. Айти пайтда ерларни текислаш ва кўчат ўтказиш тадбирлари бошлаб юборилди.

Ўз мухбирларимиз

● Тадбир

Президентимизнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, республика Давлат солиқ кўмитаси кўргазмали семинар ташкил этди. Уни ўтказишдан мақсад 2011 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, берилаётган имтиёзлар моҳияти, солиқ соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан корхона, ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилари ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилиб беришдан иборат.

Кўргазмали семинар

Семинарда Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари, республика Марказий банки, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат статистика кўмитаси, Савдо-саноат палатасидан вакиллар иштирок этди.

Тайёрланган кўргазмали бўлимларда солиқ соҳасидаги янгиликлар ҳақида маълумотлар берилди. Тадбиркорларга ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилиб, турли информацион тарқатма материаллар ҳамда тегишли қўлланмалар тақдим этилди.

Бундан ташқари, тадбир давомида «БЭМ» лойиҳаси томонидан ишлаб чиқилган «БЭМ-ИНФО» деб номланган янги информацион-ҳуқуқий қидирув дастурининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу дастур республикамизда амалда бўлган 20 мингдан зиёд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўзида қамраб олган.

Хуллас, кўргазмали семинар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари берган саволларига атрофлича жавоб олди.

Давлат солиқ кўмитаси
Ахборот хизмати

● Ҳунардан унар

Хатирчида Чуст дўпписи

Яхши ниятлар билан «Маҳорат» ўқув марказини ташкил этгандик. Ҳозир бу ерда хотин-қизлар новвойлик, қандолатчилик, бичиш-тикиш, каштачилик каби ҳунарларни ўрганишмоқда. Ўтган йили беш нафар аёлни Наманган вилоятининг Чуст шаҳрига бошлаб боргандим. Улар у ерда икки ой бўлиб, моҳир усталардан дўппидўзликни ўрганиб қайтишди. Айти пайтда бу қизларимиз уйда иш бажарувчи чеварларни атрофларига жипслаштириб, айнан чуствликларникидек бозоргир дўппилар тикишмоқда.

Бундай юмушларни амалга оширишдан мақсад касаначилик ва тадбиркорликка кенг йўл очиб, иш ўринларини бунёд этишдан иборатдир.

Меҳринисо ПИРМАТОВА,
Хатирчи туман хотин-қизлар кўмитаси раиси

Рағбат — ҳар бир инсонга янада юксак чўққиларни забт этиши учун ғайрат ва шижоат бахш этади. Айниқса, рағбатлантирилувчи спортчи бўлса.

Яқинда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларининг 13 тури бўйича касаба уюшмаларининг 49 нафар спортчиси иштирок этган ҳамда 5 та олтин, 11 та кумуш, 16 та бронза, жами 32 медални қўлга киритган эдилар.



Сиз — шарафга лойиқсиз!

Куни кеча пойтахтимизда жойлашган «Садаф» базмлар уйида Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбирда касаба уюшма спортчиларини (56 нафар спортчи, 13 йўналиш бўйича) тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Албатта, халқаро доирадаги мусобақаларда рақобат кучли бўлади. Шунинг учун, Ватанимиз байроғининг халқаро аренада баланд кўтарилишига сабабчи бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, XVI Осиё ўйинларининг кумуш ва бронза медаллари соҳибаси Гўзал Хуббиевага ўзбек автомашинаси — Matiz Chevrolet тақдим этилди.

— Тўғриси айтсам, бунақа мукофотни кутмагандим. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан кўнглим тоғдай кўтарилди, — дейди Гўзал Хуббиева. — Ҳукуратимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароит ва спортга бўлган катта эътибордан биз — спортчилар доимо миннатдоримиз. Шароит бўлмаса, ҳар қандай спортчи «синиб» кетиши мумкин. Спортчининг совринли ўринларни



матбаҳо мебеллар тўплами билан тақдирланди.

— Ҳар қандай спортчи бундай эътибордан хурсанд бўлади, шу жумладан мен ҳам, — дейди 2010 йилда «Жаҳоннинг энг кучли каноэчиси» Вадим Менков. — Юртимизда спортнинг барча турлари кундан-кунга ривожланиб бораётганига барчамиз гувохимиз. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар Ўзбекистон спортчиларини олға, фақат олға интилишга чорлайди. Бугунги тадбирдан эса барча касбдошларим каби мен ҳам гоятда хурсандман. 2012 йилги Олимпиада ўйинларида муносиб қатнашиш — барчамизнинг галдаги энг асосий вазифамиздир.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этиб, барча со-

вриндорлар, шунингдек, мураббийлар ҳамда спортчимизнинг тараққий этишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган кўплаб фидойи юртдошларимизга касаба уюшмалари Федерациясининг қимматбаҳо ҳамда эсдалик совғаларини тақдим этди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch»
мухбири



қўлга киритишида нафақат ўзининг, балки мураббийлари, мухлисларининг ҳам ҳиссаси катта. Мен барчага ўз миннатдорчилигимни билдираман. 2012 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида барчани яна хурсанд қила оламиз, деб ўйлайман.

Тадбирда иштирок этган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича XVI Осиё ўйинлари ғолиби, икки карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, 2010 йилда ҳукуратимиз томонидан «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени билан тақдирланган Вадим Менков федерация томонидан қим-



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Мунажжимлар дейдики...

Бир гапим бор, айтайин...

Янги йил келар экан, недир умид қиламиз, бир жойда турмайин деб, секин-секин жиламиз. Яна бир ёш қаридик — бунисини биламиз, умр — дарё экан-да, — бағримизни тиламиз. Бу юракка бир олам орзуларни жойлаймиз, ё пирим деб, белларга аҳд белбоғин бойлаймиз. Шуйтиб-шуйтиб, уни ўзимизча сарҳисоб қиламиз: шоир ёзган шеърини, дехқон ишлаган ерини; овчи отган овини, қиморбоз тиккан довини; ношир сотган китобин, нотиқ айтган хитобин; кўкнор чеккан нашасин, ошиқ туйган нашъасин; чўпон боққан кўйини, отарчи борган тўйини, файласуф ўйлаган ўйини, дароз ўсган бўйини. Доно халқ билиб айтганидай: ҳар кимники ўзига — ой кўринар кўзига. Хулласи калом, бахши боболарга етмоқ кўп душвор эрса-да, чўпон бобомизнинг бир вақтлар дўмбира чертиб айтган дostonлари-ю термалари миямизнинг кунжакларига ёйилиброқ ўрнашган шекилли, ёзганларимиз нуқул назмга тортиб кетаверади. Бунинг учун сиздан узр сўраганимиз ҳолда, индаллога кўчиб қўя қоламиз.



Афсоналар недан сўзлайди?

Сизу биз баъзан мурожаат қиладиганимиз мунажжимлар келаётган Кўён йилининг қай тахлит келишини қандай башорат қилишмоқда? Ундан қандай ютуқларни-ю ютқициқларни кутганимиз маъқул? Нега энди бу йил оддийгина Кўён йили эмас, айнан Оқ Кўён йили деб аталмоқда? Қадимги Хитой тақвимида бу йил нега мушук йили деб ҳам юритилади? Куйидаги уч минг йиллик ривоят Хитой тақвимидаги ҳайвонларнинг кетма-кет келишидан нақл қилади:

Бир куни Будда (ҳа, ўша сизу биз билган шахзода Сидхартха Гаутама, буддизмнинг асосчиси) келишни хоҳлаган барча ҳайвонларни ёнига чорлайди. Ҳайвонлар йўлга тушганида ҳаво совиб кетади. Бунинг устига, улар



бир дарёни кечиб ўтишлари керак эди. Кимки Будданинг ёнига етиб келса, у ўша ҳайвонга бир йилни инъом этади. Биринчи бўлиб сичқон етиб келади. Демак, у тақвимидаги биринчи йилга эғалик ва ҳомийлик қилади. Бундан ташқари, у тезкорлик ва ўз ишларини вақтида бажара олиш қобилияти билан ҳам тақдирланади. Сичқон йилида туғилганлардаги мужассам бу хислатлар асоси ривоятда шундай далилланади. Иккинчи бўлиб Хўкиз (бизда Сигир йили) етиб келади. Ундан салгина орқада қолган Йўлбарсга учинчилик насиб этади. Мусобақа мухлислик қилганлар улар ўртасидаги мусобақага қизиқиб кетиб (ҳаётда ҳам Хўкиз ва Йўлбарс мучалида туғилганлар ҳали-ҳамон баҳслашадилар) тўртинчи бўлиб ким етиб келганларини билмай қоладилар: Кўёнми Мушук? Шунинг учун ҳам Шарқ халқларида бу йилнинг ҳомийси турлича талқин қилинади: айримлар мушук дейди, айримлар кўён. Бешинчи бўлиб Аждаҳ (бизда кўпроқ бу йил «Балиқ йили» деб юритилади) етиб келади. Олтинчи — Илон, еттинчи — От. Шунда дарёга туман тушади. Яна англашилмовчилик юз беради: саккизинчи ким: Эчкими Кўйми? Тўққизинчи — маймун, ўнинчи — Хўроз (Товуқ йили деб ҳам аталади). У йўлда танишларига ўзининг катта оиласи ҳақида сўзлаб бергунча, анча вақт йўқотган эди. Ун биринчи бўлиш Итга насиб этади. Тонгданоқ хўжалик ишларига андармон бўлиб кетган Кучуқвой анча кеч қолади. У кўп ишлагани сабаб қизиқиб кетганди. Шу ҳолича дарёга сакрагани учун ҳалигача йўталар эмиш. Итларнинг хуришига эътибор қилсангиз, ҳақиқатан ҳам йўталаётган одамни эсга солади. Энг охириги ўн иккинчи йил Кобон (ёки Чўчка)га насиб этади. У ҳар доимгидай шовилмай келади. Ҳаётда ҳам улар бошқалардан нима қолса, ўшани олиб кетаверадилар (бундай тавсифдан бу йилда таваллуд кўрганлар хафа бўлишмасин. Барча эътирозларини Хитой фольклоршунослари билдиришлари мумкин). Унга сўнги йилини инъом қилган Будда кўшимча равишда оғир дамларда ғазабни жиловдан чиқармайдиган босиқлик ва ҳар қандай мушкулотни елкага ола билиш қобилиятини ҳам тортиқ этади.

Шарқ мифологиясида ҳар бир мучалнинг ўз хислати ва ўзигагина хос бўлган бирор қирраси бўлиши таъкидланади. Бундан ташқари, юнон олимларидан фарқли равишда шарқлик донишмандлар оламни тўрт унсурдан эмас, беш унсур — Олов, Дарахт (ёки Осмон), Метал, Тупроқ, Сувдан ташкил топганлигини айтиб ўтишган. Шунингдек ҳар бир унсур ўз рангига эга. Дарахт — яшил, Сув — кўк ёки қора, Метал — оқ, Ер — сариқ, жигарранг, Олов — қизил. 12 (ўн икки мучал йили) ва 5 (беш унсур) кўпайтирилса, 60 сонни келиб чиқади ва бу 60 йиллик цикл деб аталади. Ҳар бир цикл навбати билан унсурга қараб, ўз рангига эга бўлади. Хўш, турли йилда туғилганлар ўз унсур ва рангини қандай билишлари мумкин? Бунинг йўли жуда осон: туғилган йилингизнинг сўнги рақамига эътибор қилсангиз бўлди:

- 0 ёки 1 бўлса — Метал (оқ)
- 2 ёки 3 бўлса — Сув (кўк ёки қора)
- 4 ёки 5 бўлса — Дарахт (яшил)
- 6 ёки 7 бўлса — Олов (қизил)
- 8 ёки 9 бўлса — Тупроқ (сариқ, жигарранг)

2011 йил шунинг учун ҳам Оқ Кўён йили деб аталмоқда. Куйида эса (бу йил Кўён йили бўлгани учун) Кўён йилида таваллуд кўрган ва кўрадиганлар учун уларнинг унсурлари акс этган маълумотни бериб ўтамоқда:

29.01.1903дан 15.02.1904гача — Сув — Қора ёки кўк Кўён йили
 14.02.1915дан 02.02.1916гача — Дарахт — Яшил Кўён йили
 02.02.1927дан 22.01.1928гача — Олов — Қизил Кўён йили
 19.02.1939дан 07.02.1940гача — Тупроқ — Сарик Кўён йили
 06.02.1951дан 26.01.1952гача — Метал — Оқ Кўён йили
 25.01.1963дан 12.02.1964гача — Сув — Қора ёки кўк Кўён йили
 11.02.1975дан 30.01.1976гача — Дарахт — Яшил Кўён йили
 29.01.1987дан 16.02.1988гача — Олов — Қизил Кўён йили
 16.02.1999дан 04.02.2000гача — Тупроқ — Сарик Кўён йили
 03.02.2011дан 22.01.2012гача — Метал — Оқ Кўён йили



«Кўён»ларга тавсифнома

Кўённинг пешонасига азал-азалдан ёпиштирилган ёрлик бор — ўта кетган кўрок. Шунга қарамасдан, «кўён»лар жудаям меҳмондўст бўлишади. Бундан ташқари, ўз уйларининг чиройли ва қулай бўлишига ҳаракат қилишади. Шунинг учун бу йил «кўён»ларни уйингизга тез-тез меҳмонга чакиринг, унинг хурматини қозонишга ҳаракат қилинг. У уйингизга қувонч ва барака олиб келади. У — ҳақиқий дипломат. Шунинг учун ҳаёти давомида жиддий тўқнашувларга кўпда дуч келмайди. Улар романтикага мойил ва хиёнатни кечира олишмайди, оиласида ҳамма нарса етарли бўлиши учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишади. Оилалари кўпинча мустаҳкам ришталар билан боғланган бўлади. Бошқаларнинг буюмларига тегишни ёқтирмайдилар ва ўз буюмларига нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлишингизни хоҳлашади. Шарқлик донишмандлар фикрига кўра «кўён»лар ўта ақлли, дунёқараши кенг камровли бўлади.

Хитойликлар учун у узок умр кўриш ва меҳнатсеварлик тимсолидир. Идорада энг кўп меҳнат қиладиган ходимлар кўпинча кўён мучалида дунёга келган бўладилар. Бундан ташқари, табиат билан яқинлик уларнинг соғлиғи ва кайфияти учун гоётада фойдалидир. «Кўён»лар «Товуқ» ва «Сичқон» мучалида туғилганлардан ташқари бошқа барча мучалдагилар билан дўстлашиб кета оладилар. Унинг энг яқин дўсти «Ит» ҳисобланади.



Янги йилдан нималар кутамиз?

Юқорида айтиб ўтганимиздай «кўён»лар ўта ақлли бўлишади. Шунинг учун ҳам Кўён олимларга ҳомийлик қилади. Янги йилда фаннинг анча тараққий этиши, кашфиётларга тўла бўлиши кутилмоқда. У жудаям тартибли бўлгани учун бу йилда амалга ошириладиган ишларнинг анча тартибли, шовқин-суронсиз кечишига умид қилинмоқда. Бу йилнинг, айниқса, дипломатика соҳаси вакиллари учун омадли келиши башорат қилинмоқда. Шунингдек, ижод билан шуғулланадиганлар учун ҳам. «Кўён» оилапарвар бўлгани боис, бу йилда кўпчилик одамларнинг оилавий ҳаёти тинч ва осуда кечиши, ажрашишларнинг кам бўлиши таъкидланмоқда. Унинг дипломатик қобилияти ҳақида тўхталгандик. Дунё миқёсида тинчликнинг сақланиши ҳақидаги мунажжимларнинг таъкидлари кишини қувонтиради. Шу боис ҳам бу йилда кўплаб дўстлар орттиришимиз, иш ва шахсий ҳаётимиздаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳақидаги башорат кишини, айниқса, хурсанд қилади. Мунажжимларнинг маслаҳат беришича, бу йилда янги режалангизни, охирида пушаймон қилиб қолмаслигингиз учун ҳам кўпчиликка ошкор этмаслигингиз керак экан. Бу йилда туғиладиган болалар қобилиятли ва оққўнгил бўлишади. Бироқ бироз енгилтаклик уларни четлаб ўтолмайди. Уларнинг кичиклигиданоқ эркинликка интилишини тўғри тушунишимиз лозим. Агар сиз келажакнинг учун пойдевор қўймоқчи бўлсангиз, бу йилдан яхшисини тополмайсиз. Бу йилда оғир-босиқ, оққўнгил, меҳнаткаш ва соғлигимизга эътиборли бўлишимиз фақатгина фойдамизга хизмат қилар экан. Байрам дастурхонимизда эса кўкат ва сабзавотларнинг кўпроқ бўлишига эътибор қилишимиз керак.

Бир бор экан, бир йўқ экан. Олис тоғ ортида одам қадами етмаган бир жой бўлган экан... Сизу биз шу тахлитда бошланувчи эртактларни болалигимизда жуда кўп эшитганмиз. Ҳатто ҳозир ҳам фарзандларимизга айтаётган эртактларнинг айримлари шундай бошланади. Кўпчилигимиз учун «олис тоғ ортидаги одам қадами етмаган ер» турли йирткичларга тўла, хавф-хатарга бой чангалзор сифатида тасаввур уйғотади. Бундан анча олдин мазкур ҳаёлот ҳақиқатга яқинроқ бўлган-дир. Лекин фан-техника ривожланган бугунги замонавий дунёда бутунлай акси. Негаки, сайёрамизда флора ва фаунаси табиийлигича сақланиб қолган, одамлар томонидан ўзлаштирилмаган, аниқроқ қилиб айтганда, талофат етказилмаган жой жуда кам қолган.

Одам қадами етган жой борки, тезда кўринишини ўзгартиради. Ўрмонлар қирқилади, завод-фабрикалар ишга туширилади, дарёларга тўғонлар қурилади. Қисқаси, «одам қадами етмаган» жойда бора-бора сершовкин шаҳар қад ростлайди. Табиийлик чекиниб, турли-туман салбий ҳолатлар келиб чиқа бошлайди. Экологик муаммолар, хавфли касалликлар, тошқинлар, зилзилалар... Бундай нохуш вазиятларнинг олдини олиш, табиатга камроқ таъсир кўрсатиш, табиийликни бироз бўлса-да сақлаб қолиш мақсадида яна... одамларнинг ўзи кўплаб ташаббуслар билан чиқмоқда. Кимлардир ҳавога кўплаб карбонат ангидрид газини чиқарётган автомобиллардан фойдаланишдан воз кечаётган бўлса, яна бировлар тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни маъқул кўрмоқда. Ҳавони ифлослаётган заводларнинг фаолияти чекланмоқда ёхуд қайта кўриб чиқилмоқда.

АҚШнинг машҳур Йел университети олимлари ана шундай ташаббуслари билан «яшил» давлат мақомини олган мамлакатлар рўйхатини тузиб чиқишди. Бунда уларнинг асосан тозаллиги, атроф-муҳитнинг зарарли газлардан холилиги инobatга олинди. Номзод давлатлар юз баллик рейтинг бўйича баҳоланди.

«ЯШИЛ» мамлакатларга марҳамат!



Норвегия 81,1 балл билан рўйхатдан жой олди. Тахминларга кўра, 2030 йилда бу мамлакатнинг атроф-муҳитга карбонат ангидрид газини чиқариши нолга тенг бўлади. Бундай натижага эришиш учун ҳукумат технология ва ускуналарни сотиб олмақда. Бугунги кунга келиб, табиатга чиқарилаётган газ миқдорини 40 фоизгача камайтириш режалаштирилган.

Норвегияда мазкур йўналишдаги ислохотлар илмий изланишлар билан чекланиб қолмай, иқтисодий соҳани ҳам қамраб оляпти. Масалан, кўпроқ газ чиқарадиган дизел ёқилғиси билан юрадиган автомобилдан фойдаланувчи фуқаро кўпроқ солиқ тўлайди.

Бундан ташқари, ҳукумат кўшимча темир йўл линиялари қуришни давом эттирмоқда. Узоқ манзилларга отланган кишилар, табиатга камроқ зарар келтирадиган транспортдан фойдаланишди. Шунингдек, бузилган ландшафтлар тикланмоқда, янгилари барпо этилаётир.


Скандинавия ярим оролининг яна бир давлати саналмиш Швеция эса 86 балл билан рўйхатдан жой олди.



Кўплаб мамлакатлар иссиқлик энергияси ва газни катта миқдордаги валютага харид қилишади. Швеция эса 2020 йилга келиб, бу манбалардан бутунлай воз кечишни режалаштирмоқда. Эндиликда мазкур воситалар ўрнини тикланувчи энергия манбалари эгаллайди. Ҳукуматнинг бундай қарорга келиши 1980 йил, яъни навбатдаги ёқилғи инқирози пайтидаёқ бошланган. Ҳукумат ҳозирда экологияга салбий таъсири бўлмаган дарё, шамол, кўёш энергиясидан унумли фойдаланишни йўлга қўйяпти.

Шунингдек, бу йўлда бошқа ижобий ечимлар ҳам қўлланилмоқда. Масалан, ўрмончилик кенг ривожланган мазкур мамлакатда ёғоч қипикларидан ҳам ёқилғи сифатида фойдаланиш йўлга қўйилди. Яъни, қипик юмалоқ ҳолга келтирилиб, аҳолига сотилмоқда. Бундан ташқари, автомобиллар учун ишлатиладиган метан ўрнига биогаздан фойдаланишга ўтиляпти. Негаки, биогаз ер остидан олинадиган газдан анча арзонроқ.

Европанинг марказида жойлашган Швейцария эса 89,1 балл билан баҳоланди. Мазкур давлат 2008 йилда энг тоза давлатлар рўйхатида биринчиликти эгаллаган бўлса, айна пайтда иккинчи ўринни банд қилиб турибди. Мамлакат тоза, «яшил» давлат мақомини сақлаб қолиш учун тинимсиз изланмоқда. Атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар босқичма-босқич камайтирилмоқда.




Табиатнинг аввалги ҳолатига қайтиши учун ҳукумат миллий парклар ташкил этапти.


Бундан ташқари, мамлакатдаги компаниялар экологик тоза технологиялардан фойдаланишни қўлламоқда. Кўплаб меҳмонхоналар гибрид автомобиллардан фойдаланадиган мижозлари учун чегирма қилапти. Кўплаб уйлар эса аллақачон қайноқ булоқлардан олинадиган энергия ҳисобига иситилаётир.

Коста-Рика эса 86,4 баллни қўлга киритди. Мазкур давлатда табиий ўрмонлар ва биохилма-хилликни асраш бўйича иш олиб борилмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, Норвегия атмосферага карбонат ангидрид чиқаришни 2030 йилда тўхтатишни режалаштирган бўлса, Коста-Рика бу муаффақиятга 2021 йилда эришмоқчи. Бунинг учун ҳукумат ҳавога катта зарар етказётган энергия манбалари ўрнига уларнинг ўрнини босувчи муқобил вариантларни тақлиф қилди.

Сўнгги йиллар мобайнида Коста-Рика кўплаб ўрмонларини кесиш, хорижга сотиб юборган эди. Ҳозир ўрмон кесиш билан шуғулланувчи компаниялар фаолиятини чеклаш бўйича муҳим қарорлар қабул қилиняпти. Кесилиб кетган ўрмонлар ўрнига янги кўчатлар экилмоқда. Жаҳон молиявий инқирози хавф солиб турган 2008 йилда ҳам мазкур мамлакатда 5 млн. дона кўчат экилди.



Рейтингда биринчи ўринни (93,5 балл) эгаллаган Исландияни ҳақли равишда «тоза мамлакат» дейиш мумкин. У ерда иссиқлик олиш учун атмосферани булғаб, ниманидир ёқишга ҳожат йўқ.



Негаки, табиатнинг ўзи бу давлатга битмас-туганмас манбани бериб қўйган. Совуқ иқлимда жойлашганига қарамай, қайноқ булоқлари бу юртни доимо «иссиқ» қилиб туради. Ҳукумат эса мамлакат аҳолисини тоза технологиялардан фойдаланишга ундаб келмоқда. Бир вақтлар Исландия мамлакатга импорт қилинадиган тошқўмирга қарам эди. Ҳозир эса бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил этмоқда. Бора-бора кўмир импорти тўхтатилиши ҳам мумкин. Чунки 2050 йилга бориб, мамлакат кўмир ва нефтга бўлган қарамликни бутунлай йўқотиши ҳам режалаштирмоқда.

Интернет хабарлари асосида Ф.Мамашарипов тайёрлади

Бу тупроқда қадим-қадимдан даҳолар яшаб ўтишган. Бугунги авлод уларнинг муносиб ворислари бўлиш шарафига ноил бўлмоқда. Бунинг учун шароит, имконият ва энг муҳими, салоҳият етарли. «Келажак овози» Миллий танловнинг ўтган йилги ғолиблари билан танишар эканмиз, фикримиз янада қатъийлашди. Йигирмага кириб улгурмаган, янаям аниқроғи, Ватанимизнинг истиқлоли билан тенгдош ёшларнинг кашфиётлари, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш бўйича бераётган таклифлари, WEB-ишланма-ю дастурлари тараққиётга хизмат қилиш учун йўлга чиқмоқда. Ватанимизнинг таянчи-ю суянчи, ёрқин келажagini ўзида мужассам этган баркамол авлод юксак ишончларга муносибликни оқламоқда. Айни шу жараёнда уларга «ўзликини намойиш этиш» имкониятини бераётган танлов хусусида бироз тўхталиб ўтсак.

«Энг яхши ёшлар лойиҳаси»

«Келажак овози» танлови биринчи йилданок ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотди. 2005 йилда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтган саралаш босқичларида 3 187 нафар йигит-қиз иштирок этган эди.

Танловнинг муваффақиятли ўтгани ва кенг жамоатчилик эътиборига тушгани натижа-сида 2006 йилда «Келажак овози» танловнинг Жамоатчилик кенгаши тузилди. Март ойида «Келажак овози» лойиҳасига миллий мақом берилди. Май ойида эса «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмагида ташкил этилган ёшлар ташаббуслари форумлари натижа-сида фаол ёшлар жамғарма қошида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бугунги кунда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази истеъ-додли ва салоҳияти юксак йигит-қизларни ўз атрофига жамлаган.

Ўтган йили 12 август — Халқаро ёшлар кунинда БМТнинг Ўзбекистондаги Ахборот маркази (UNIC) ҳамда БМТнинг аҳолишунослик соҳасидаги Фонди (UNFPA) томонидан ташкил этилган махсус тадбирда «Келажак овози» — «Ўзбекистондаги энг яхши ёшлар лойиҳаси» дея эътироф этилди.

2010 йилнинг 24 декабр кунини Ёшлар ижод саройида ўтказилган танловнинг финал босқичида мазкур эътирофнинг қанчалик ўринли эканлигига кўпчилик гувоҳ бўлди. 45 нафар иқтидорли йигит-қизлар 71 024 нафар ишти-рокчи орасида ғолиб деб топилдилар.

«Келажак овози» бугунги кунда нафақат ёшлар, Ватан тараққиётига ўзини дахлдор деб ҳисоблайдиган ҳар бир юртдошимизнинг диққатини жалб этмоқда. У шунчаки танлов эмас, балки Ўзбекистон ёшларини кенг миқёсда қамраб олишга эришаётган Миллий лойиҳа мақомига том маънода сазовор бўлаётир.

Элга нафим тегса...

Лойиҳасини тақдим этаётган ҳар бир йигит-қизнинг асосий мақсади юрт тараққиётига хизмат қилиш, мамлакатимизга фойда келтиришдан иборат. Етмиш бир мингдан ошиқ даъвогар орасида лойиҳасининг кучлилиги ва

фойдалилигини намойиш эта олган, натижада ғолиблар сафидан ўрин олган ёшларимиздан айримлари билан



Келажак эгалари: парвоз ҳамиша юксак бўлсин!

яқиндан танишамиз.

Жасур ШОДМОНОВ, 1991 йил Наманган вилояти Поп туманида таваллуд топган. Танловнинг «Техник лойиҳалар ва ишланмалар» йўналиши ғолиби. Жасур ўз лойиҳаси ҳақида шундай дейди:

— Аввало, менга билдирилган ишонч учун танловнинг барча ташкилотчиларига миннатдорчилик изҳор этаман. Тенгдошларимнинг илмий изланишлари натижаларини ку-

лойиҳа амалиётга татбиқ этилса, ҳам иқтисодий тежамкорликка эришилади, ҳам ишчиларнинг меҳнати энгиллашади. Айни кунларда лойиҳага патент олиш мақса-дида ариза топширилган.

Гулҳаё ХОЛМАТОВА, Андижон Давлат Тиббиёт институти педиатрия факултетининг 5-босқич талабаси. «Рационали-заторлик таклифлар» номинацияси ғолиби:

— Кўпчилик болалар ўқувчи-лик даврида партада тўғри ўтира олмаслик натижасида умуртқа поғонасининг қийшаши касаллигига дучор бўлишади. Бу муаммонинг олдини олиш мақсадида махсус универсал парта яратдим.

Ҳозирда мазкур касаллик билан оғриган болаларни даволаш, касалликни олдини олиш борасида изланиш-

лар олиб бормоқдаман.

Дилобар ХУРРАМОВА, Қарши Давлат университети ўзбек филологияси факултети 4-босқич талабаси, «Техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси ғолиби:

— Ўзбекистон шароитида маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, оқва сувларни зарарсизлантиришнинг иқтисодий тежамли усулини ишлаб чиқишга йўналтирилган лойиҳам билан ғолибликни қўлга киритдим.

Саноат корхоналаридан чиқаётган чиқинди сувлар қайта ишланиб, яна қайтадан корхонага юборилади. Бу жараён табиий-биологик усулда амалга оширилади. Тозалаш жараёнида маҳаллий сув ўтидан, шунингдек, маҳаллий хом ашё (оҳак, оҳак суви, гипс ва бошқалар) моддалари эритмаларидан фойдаланилди.

Набатдаги мақсадим — оқва сувларни тозалаш соҳасига оид терминларнинг ўзбекча электрон луғатини яратиш.

Муҳаббат РАҲМОНОВА, ТАТУ Урганч филиали, ахборот технологиялари факултетининг 4-курс талабаси, «Дастурлаш» йўналиши ғолиби:

— Дастуримнинг номи: «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиш». Унда тадбиркорлик субъектлари билан солиқ кўмитаси, тегишли вазирлик, статистика идоралари ўртасида маълумот алмашиш тизимини автоматлаштириш кўзланган. Соҳа вакиллари фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳужжатлар айланмасини энгиллаштириш, вақтни тежаш, хусусий тадбиркорлик субъектларида нақд пул тизими назорати муаммоси мавжуд бўлганлиги сабабли мазкур лойиҳани яратишни мақсад қилдим.

Ҳасан ИБРАГИМОВ, Самарқанд тиббиёт институти касбий таълим факултетининг 1-курс талабаси, «Техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси ғолиби:

— Жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун махсус мослама яратдим. Бу мослама 3 та асосий қисмдан: махсус тиббий кўйлак, автоматлаштирилган телефон қурилмаси ва радиотўқинли мосламадан иборат. Тиббий кўйлакка махсус чиплар ўрнатилган. Агар бемор йиқилса, чиплар автоматик ишга тушади ва телефон орқали жавобгар шахсга хабар беради. Ихтирога патент олиш учун ариза бердик.

Сардор Жўраев, Навоий информатика ва электроника саноати касб-хунар коллежи информатсион коммуникация тизимлари йўналишининг 3-босқич талабаси, «Дастурлаш» номинацияси ғолиби:

— «Кутубхона электрон каталоги» номли дастурим орқали кутубхона фойдаланувчиларининг аъзолиги, кутубхона фондига китоблар киритилиши ва фойдаланиш тизими автоматлаштирилади.

Унинг бошқа шундай турдаги дастурлардан афзаллиги қарздор ва аъзолик муддати тугаган фойдаланувчиларнинг қўл телефонларига автоматик равишда оғоҳлантирувчи СМС юборилишидир.

Жавоҳирбек МАМБЕТОВ,

Юнусобод машина-созлик коллежи, компютерларни монтажлаш ва таъмирлаш йўналишининг 3-босқич талабаси, «Дастурлаш» номинацияси ғолиби:

— Ахборот асрида компютер программаларига турли таҳдидлар, яъни вируслар кўпайиши авж олмақда. Дунёдаги етакчи лабораториялар фаоли-



ятига ҳавас қилиб, миллий «Uz security» антивирус дастурини яратдим. У ўзбек тилида яратилган бўлиб, унда 150 000 дан ортиқ кенг тарқалган компютер вируслари ёзувлари мавжуд. Келажакда мазкур дастурни мукамаллаштириш орқали ахборот хавфсизлигига ўз ҳиссамни қўшишни мақсад қилганман.

Мазкур ихтиролар мустақил юрт фарзандларининг юксак салоҳияти намунаси, интеллектнинг ҳамиша ғолиблиги ифодасидир. Уларнинг сафи кундан-кун кенгаётгани эса кўнглимизда фахр уйғотади, эзгу ниятимиз эса ҳар бир юртдошимиз орзуси билан ҳамоҳанг: парвозингиз баланд бўлсин, келажак овозлари!

Дилдора РАҲМОНОВА, Жаҳонгир ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбирлари

Кахратон қиш. А т р о ф н и оплоқ қорқоқлаб, йўллар музлаган. Эҳтиётсиз қадам ташласанг, йиқилиб бирор жойингни майиб қилишинг ҳеч гапмас. Декабрнинг боши бўлса-да, қор тинимсиз ёғиб, тизза бўйи кўтарилган.

Сайрам қишлоғи кичик дарада жойлашган. Бу бошидан қаттиқроқ туфласанг, у бошига бориб тушади. Шу жойда оёғига резина этик, эгнига эски бўлса-да, қалин пўстин, бошига қулоқчинли телпак кийиб, одамларнинг кудугини қазиб кун кечирадиган Қобил ака олти фарзанднинг ташвишида тиним билмайди. Ахир бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув. Тўрттаси мактабга боради. Уларга қишки уст-бош олиш керак. Шусиз ҳам, тўсатдан совуқ бошланиб, қор қалин ёққанига шошиб қолган. Утин ҳам йиғилмаган...

У ҳам умидвор банд. Фарзандларим есин-ичсин дейди, елиб югуради. Лекин ҳеч бири икки бўлмайди. Энди томирим сувга етди деганда, бир ташвиш чиқиб қолади. Қизи ё ўғли шамоллаб, касалхонага чопади. Дўхтирларнинг кўзига мўлтиради. Улар эса Қобил аканинг қўлига... Фарзанд — фарзанд-да. Бирор кунимга яраб қолар деган умидда қафтида асрагандай боқиб келаётган бузоқчасиними, сутини кенжасига пишириб берадиган қари эчкисиними сотиб бериб, уларни рози қилади. Мол-дунё топилади, фарзанднинг бирор жойи оғриб инграб туриши... Ҳар қандай ота ҳам шундай қилади-да...

Катта ўғли Бекзод отасининг аҳволини кўриб ачинади. Ота эса унинг мактабни қўйиб, рўзғорга қарашаман дейишига зинҳор рози бўлмайди. «Ўқисанг, катта одам бўласан. Ахир, оч қолаётганларинг йўқ-ку. Рўзғорни ўйлама», деб жавоб беради. Бекзод отасининг қўлини баъзи жойлари кўкариб, шилиниб, совуқда газак олиб яра бўлиб кетганига кўзи тушиб, ичдан зил кетади. Ярани йодлаб боғлаётган онаси «эҳтиёт бўлинг-да, дадаси, бу қўл билан қандай қудуқ қазасиз?» — дейди куйиниб. «Қўявер, онаси, сал совуқ ўтган-да», — кулади отаси. Дорининг чимиллатиб ачиштирганидан кулаётганда юзи буришиб, ажинлари ўргимчакнинг инидай тўр боғлаб кетади.

...Бугун дарс бўлмади. Синфхоналар совуқлигидан ўқувчиларга жавоб бериб юбориш-

ган. Бекзод уйга келса, дадаси ишдан келиб ўтирибди. Эрта келиб қўйганига дадасининг саволомуз боқшини ўзича тушуниб, изоҳ берди:

— Синфхоналар совуқ деб ҳаммага жавоб бериб юборишди.

— Ҳа, ўғлим, сизларни ўйлаган-да.

Бекзод чидаб туролмади. Дилидаги тилига чиқиб кетди.

— Сиз-чи, бизларни ўйламайсизми?

— Бу нима деганинг?

— Шундай совуқда ҳам қудуқ қазишга борасиз-

ни қизганганми «тиканли сим»ни олмага мих билан қоқиб, маҳкамлаган. Эсини танибдики, қўшнилари бир-бири билан ит-мушук. Қосим ака қанчалик бой бўлса, шунчалик қурумсоқ. Бирор таговуқ ўтиб кетса, ё оёғини уриб синдиради, ё келиб гафво қилиб кетади. Аёлларнинг майда-чуйда жанжалларига аралашади, қишлоқнинг аксарияти билан тескари. Ўтган йил Бекзодларнинг қўйи бўшалиб, ҳовлисига ўтиб кетган экан, оғил тарафдаги баланд девордан кўта-

роқ пишса яхши эди. Ҳарна бирон ой егуликка зорикмасдик. Бунинг устига аҳволим ҳам бундай бўлиб қолди.

— Сиқилманг, ота. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Айтганинг келсин, ўғлим...

Шу пайт онаси қўлида катта сават билан кириб келди. Уйни иссиқ ноннинг ҳиди тутди.

— Ҳа, онаси, ҳозир иссиқ нонни маза қилиб ер эканмиз-да,— Қобил ака аёлига тегишади. — Ун ҳали анчага етадими? Онасининг кўзлари

ланд-баланд чиқарди:

— Шу палакат олман деб қачонгача светсиз ўтирамыз?! Биратўла ҳаммамиз қутулдик.

Хотини уни қарғади:

— Яхши иш қилмадингиз. Болаларимнинг ризқини қийиб... Энди буни ўтин қилиб, болангизнинг ўлигига ишлатинг! Мияси ёнғоқ чаққандай гарансиб, ўрнидан туриб кетди. Оғриқдан бадани зирқираб кетса-да, ҳозир ҳис қиладиган даражада эмасди. Деворга суяниб ташқарилади. Кўзи хиралашиб, қоқилди-ю, эшик раҳига суяниб қолди... Қосим ака кўздан пана бўлишга улгургани...

Кечагина камалакдай товляниб турган дарахт ағанаб ётарди. Олма!.. Бир кунига яраб келаётган дунёси. Пишганда қипқизил бўлиб товляниб, кўзни қамаштирадиган меваларини фарзандларидан қизганиб, бозорда сотиб, бир сиқим бўлса-да ун олиб келганда, хотини ширин нонлар ёпиб берадиган кунлар бир зум хаёлидан ўтди-ю, тўнғичи Бекзоднинг қўлига шилқ этиб тушаркан гўдранди:

— Қўй, онаси, нима бўлса, бўлди. Лекин қарғама...

Қолган гапи бўғзида қолди. Ўзига келганда кимдир оғзига сув томизарди. Кўзини очай деса, қорачиқлари қотиб қолгандай. Узоқлардан аёлининг гапи қулоғига чалина бошлади.

— Бир кеча светсиз ўтирса нима қипти? Шунга дарахтни қирқадими?! Даданг ҳам бундай бўлиб қолди. Бўлмасам, симга етай деб қолган шохларини ҳар йили бутарди...

Орадан ҳафта ўтди. Қобил аканинг пешин вақтида кўзи илинибди. Ўзи шу кунларда тузук ухломас, тунлари буёғига энди нима қиламан деб юраги зирқираб чиқарди. Баъзида чап кўкси нимадир узилгандай қаттиқ оғриб, кўзига ўлим кўриниб кетарди. Беихтиёр пичирларди: «Ишқилиб ўлиб қолмай. Фарзандларим нима қилади...»

— Ота, туринг! Қосим аканинг шаҳардаги ўғли аварияда ўлибди! Ҳозир олиб келишди.

— А! Нима дединг? — Қобил ака ўғлининг гапларини тушида эшитётгандай гарангиди. — Авария!!! Ким?! Нега?!


— Бобур ака... Ўлибди...

Бекзод жим қолди ва хирқироқ овозда деди: — Одамлар, олманнинг кундасини ўтинга ишлатайлик, дейишяпти? Нима дейсиз?..

Содик ЭШМАМАТОВ

Олма

(ҲИКОЯ)



ми, бунақада касал бўлиб қоласизку!

— Ундай дема, ўғлим. Қудуқнинг ичи иссиқ бўлади.

Қобил ака шу кунни ҳам ишга кетди. Бу сафар узоқ қишлоққа. Шу билан бир ойда яқинлашганда машинада олиб келишди. Ҳамма жойи бинт билан чирмаб ташланган... Қудуқдан чиқаётганда белидан арқон боғлашмаган экан, оёғи сирганибди... Ўнг қўли ва чап оёғи бир-икки жойидан синибди... Хотини ва болалари эрта-ю кеч кўзига тикилади. Худодан соғлиқ сўрайди. Топган пули ҳам ўша пайтда дўхтирларга кетган экан. Қудуқини қаздираётган киши қаердан машинани савдо қилиб, касалхонага олиб борган, сўнгра уйга...

...Баҳор келди. Қишдан амал-тақал чиққан хонадоннинг бор моли дорига, емакка кетди. Энди нима қилади?! Рўзғор боши Бекзод бўлиб қолганди. Мактабдан келади-ю, томорқани ағдаришга тушади. Кўк пиёз экади.

Ҳовлининг этагида, қўшнингим сым девори ёнида, бир туп олма дарахти бор. Қўшниси Қосим ака битта тиргак-

риб, ташлаб юборган. Қўйнинг олдинги оёғини олдинроқ уриб синдирганми, девордан ташлаганда лат еганми, тиззасидан бўлиниб кетган. Қаҳри қаттиқ одам-да!

Ҳар йили олма фарқ пишганда, онаси узиб олар, бозорга олиб чиқиб сотиб, уйга бозорлик қилиб келарди. Болалар дарахтга яқинлашавермас, онасининг ўзи баъзида узиб, ювиб берарди. Бесўроқ тегишишса, гап эшитишарди... Ахир, бир-икки ойлик тирикчилик шу олманинг ҳисобига эди-да...

Бекзод мактабдан келса, олма ним пушти бўлиб гуллабди. Қараб, сеҳрлангандай туриб қолди. Кун бўйи ёғиб, энди тинчиган ёмғирда гулларга қўнган шабнам паға-паға булутлар орасидан чиқиб қолган қуёш нурида ялтираб, камалак ҳосил қилганди. Ярим соатча маҳлиё бўлиб ўтириб, дадасининг хонасига кирди. Қобил ака анча тузалиб қолган ёнбошлаб ётганча чой ичарди. Бекзод хурсанд.

— Ота, олмамиз бу йил яхши мева берадиганга ўхшайди. Зўр гуллабди. Ўзимиз ҳам тўйиб еймиз.

— Албатта, ўғлим, тез-

ерга қадалди. Бироздан сўнг:


— Бугун охиргисини қилдим...

Қобил акани ўй босди. Энди нима қилади. Оғайни-қариндошдан бир сўрайди, икки сўрайди. Кейин улар ҳам... Ўзи мардикорликка ярамайди. Рўзғорга тирик товондай бўлиб қолган...


Кеч кирди. Қобил ака сиқилиб, гоҳ ўнг гоҳ сўлга ағдарилди. Шу пайт ташқарида нимадир увиллади. Қулоқ тутди. Шамол турган. Қўлтиқтаёғига суяниб, секин ўрнидан турди. Судралиб ташқарига қадам ташлай бошлади. Хотини ҳам жойидан кўзғалиб, қўлтиғидан олди...

Қаттиқ бўрон турибди. Одамни учираман дейди. Шу пайт қаттиқ чақмоқ чақди. Ҳаммаёқ бир зум кундузгидай ёришди. Нодира опа кўрқанидан, жунжикиб кетди. Олма дарахтининг тепасидан ўтган электр симдан бир-икки чўғ сачради-ю, атроф зим-зиё бўлиб қолди. Ток ўчганди...

Туни билан тўлғаниб ухломмай, сахарга яқин кўзи кетибди. Қандайдир бақир-чақирдан уйғониб кетди. Қосим аканинг манқа овози ба-



АНДИЖОН ЦИСТЕРНА-ВАГОНЛАРИ



Андижон механика заводи Ўзбекистон темир йўллари таркибида 1987 йилда ишга туширилган эди. Дастлаб темир йўл вагонлари ва локомотивлари учун турли домкратлар, эҳтиёт қисмлар, ҳар хил йўл машиналари ва дастгоҳлар ишлаб чиқарила бошланди. Кейинчалик цистерна-вагонлар ва ярим вагонларни мукамал ва жорий таъмирлаш йўлга қўйилди.

2000 йилдан бошлаб эса Марказий Осиёда биринчи бўлиб Россия темир йўлларида олинган лицензия асосида цистерна, ёпиқ ва ярим вагонлар мукамал таъмирланиб, хизмат муддатлари узайтирила бошланди.

Заводдаги вагонларни ишлаб чиқариш ва хизмат муддатини узайтириш тизимига ISO — 9001:2000 халқаро сифат сертификати берилган. 2000 йилда нефть маҳсулотлари ташувчи вагон-цистерналар йиғила бошлангани мамлакатимиз оғир саноатида улкан ютуқ бўлди.


Кейинроқ заводнинг Пахтабод филиалида юк вагон рамалари, тўрт ўқли цистерна-вагонлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-қарорига асосан тузилган «Маҳаллий хом ашё негизида импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш»

Давлат дастурига Андижон механика заводида йилига 50 та янги цистерна-вагон ишлаб чиқариш ҳам киритилди. Шу йилнинг ўзидаёқ бу вазифа амалга оширилди.

Кейинги йилларда платформа вагонлар модернизация қилиниб, цемент ташувчи вагонларга айлантирилди, ёпиқ ва ярим вагонлар тайёрлана бошланди.

Андижонлик вагон қурувчиларининг ажойиб шиори бор: **«Рақобатбардошликнинг икки усули бор: биринчиси — ҳаммадан яхши бўлиш керак, иккинчиси — бошқалардан тубдан ажралиб туриш керак!»**



Иш услубига қатъий амал қилиб келаётган жамоа 2009-2010 йилларда ҳам вагонсозликда янги йўналишларни қамраб олиб кўпчиликни лол қолдирмоқда. Бу йилларда хизмат муддати тугаган универсал платформалар умрини 16 йилгача узайтириш ишларига МДХ мамлакатлари бўйича тузилган комиссиядан рухсат олинди. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчи бўлиб 8 ўқли

вагон-цистерналарнинг хизмат кўрсатиш муддатлари 16 йилга узайтирила бошланди. Чунки бундай вагонлар бизда 500-600 донга қолган бўлиб, уларнинг ҳам хизмат муддатлари тугаб борапти. Шунинг учун юқоридаги ишлар уларни ҳаётга қайтаришга қаратилган...

Ҳозирда «Фарғонаазот» ва «Навоийазот» ОАЖлар ва «Навоий тоғ-металлургия комбинати каби республикамизда кўзга кўринган кимё корхоналаридан сульфат кислотаси ва олиум ташувчи вагон-цистерналар ишлаб чиқариб келинади. Эндиликда бу вагонларнинг хизмат муддатлари тугай бошляпти. Шунинг учун цехларимизда бундай вагонларнинг хизмат муддатини 5 йилга узайтиришга ва янгиларини қуришга киришдик. Бу ҳам ўзбек вагонсозлигидаги катта янгилик эди. Ҳадемай, сульфат кислотаси ташишга мўлжалланган вагонлар мамлакатимиз ва қўшни давлатлар йўлларида ўз юки билан юра бошлайди. Бу эса компания маблағларини тежаш билан бирга, қўшимча даромад ҳам келтиради.

Эндиликда «Ўзтемирйўл-экспедиция» унитар корхонасидан тушган рангли вагонлар ишлаб чиқариш борасидаги буюртмалар ҳам амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Афғонистонда қурилган янги йўллар учун узун релсларни ташувчи ўзига хос платформа вагонларнинг тайёрланиши ҳам ишлаб чиқаришдаги ўзига хос янгилик бўлди.

Заводда йилдан-йилга иш ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда.

Сўнгги йилларда заводда кўпдан бўён самарали меҳнат қилиб келаётган икки кишининг Давлат мукофоти билан тақдирлангани ҳам жамоа ютуқларига берилган муносиб баҳодир. Хусусан, энергия-механика бўлими устаси Абдуқаҳҳор Ҳақимов «Меҳнат шуҳрати», филдирак цехи тоқари Владимир Атласов эса «Дўстлик» ордени нишондори бўлди.

Бобурмирзо МЕЛИБОЕВ,
Андижон механика заводи директори

Ишчиларга мададкор бўлиб...

Касаба уюшма кўмитамиз маъмурият билан биргаликда ишлаб чиқариш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқда. Шунингдек, темирйўлчиларнинг соғломлаштириш ва дам олишларини ташкил этиш, болаларни оромгоҳларда дам олдириш, спорт мусобақаларини уюштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Баркамол авлод йилида заводимизнинг Кўқондаги филиалида 31 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Корхонада ёшларнинг меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шартларини яхшилаш юзасидан хавфли ва зарарли ишларда ишловчиларга махсус ўқув-семинарлари ташкил этдик.

Ёз мавсумида 86 нафар темирйўлчиларимиз фарзандлари «Темирйўлчи» ва «Бурчмулла» болалар оромгоҳида соғломлаштирилди. Йўлланмаларнинг 25 таси бепул берилди.

Корхонамизда ишлаб нафақага чиққан 10 нафар фахрий «Чимён» ва «Назарбек» сийҳатгоҳларида бепул дам олиб қайтишди.

«Юксак маънавият — енгилмас куч», «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», «Ватан азиз, Ватан муқаддас» рукнида ташкил этилган маданий тадбирлар ҳам кўпчиликка маъқул келди.

Ишчи-ходимларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Республикамизда қонун устуворлиги», «Истиқлол берган имкониятлар» мавзуларида ҳуқуқшуно олимлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатлари ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Жамоамизда ибратли одат бор: ишчиларимизнинг 50, 60, 70 ёшларини тантанали нишонлаймиз. Бу саналарда уларга касаба уюшмамиз томонидан қимматбаҳо совғалар берилади, маъмурият томонидан ҳам рағбатлантирилади.

Корхонамизда ишчилар учун спорт майдончалари, тренажер заллари, тиббиёт пункти, нархи арзонлаштирилган ошхоналар ишлаб турибди.

Одилжон СОДИҚОВ,
завод касаба уюшма кўмитаси раиси

Бир неча йилдирки, заводимизда маҳаллийлаштириш Давлат дастурига киритилган лойиҳалар бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада 2010 йилда нефть маҳсулотлари ташийдиган 4 ўқли янги цистерналар ишлаб чиқариш, цистерна, ёпиқ вагон ва ярим вагонларнинг хизмат муддатларини 11 ва 16 йилга узайтириш, платформа вагонларни цемент ташувчи вагонларга айлантириш, янги домкратлар тайёрлаш бўйича катта ишлар бажарилди. 50 та ёпиқ вагон ва 100 та цистернанинг хизмат муддатлари 16 йилга, 115 та ярим вагонники 11 йилга узайтирилди.

Маҳаллийлаштириш Давлат дастури бўйича тайёрланаётган маҳсулотлар учун давлатимиз томонидан божхона ва солиқ тизимларида имтиёзлар белгилангани ҳам ишлар ривожига катта мадад бўлмоқда. Корхонамизда четдан олинган то-

вар ва маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам, уларнинг турлари ҳам йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда. Шунингдек, четдан олинган эҳтиёт қисмлар; бутловчи қисмлар, детал ва узелларни янада камайтириш йўлида тинмай изланишлар олиб борилмоқда. Маҳаллийлаштириш даражасини ошириш мақсадида импорт ҳажмини камайтириб, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган хом ашёлар билан таъминлаш кўзланган мақсадга олиб келмоқда.

Муроджон МИРОДИЛОВ,
Андижон механика заводи бош муҳандиси




Саҳифа материалларини Адҳам ДАМИНОВ тайёрлади.

Касаба уюшма спорти

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгашининг турли спорт мусобақалари ва спартакиадалар ўтказиётгани соҳа ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб, уларнинг саломатлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

«Полвон ота, эпчил она, соғлом бола»



Кунни кеча кенгаш томонидан халқ таълими ходимлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада ривожлантириш ҳамда унинг оммавийлигини ошириш мақсадида, Термиз шаҳридаги «Алпомиш» уйингоҳида «Полвон ота, эпчил она, соғлом бола» оилавий спартакиада си ўтказилди.

Мусобақада, Термиз шаҳри ва вилоят туманларидаги умумтаълим ўрта мактабларида меҳнат қилаётган 17 нафар оила вакиллари иштирок этишди. Улар эстафета, узунликка сакраш, граната улоқтириш, арқон тортиш, тош кўтариш каби спортнинг 7 тури бўйича беллашди. Қизиқarli кечган мусобақа якунлари бўйича голиблик сариосиёлик Тошевлар оиласига, иккинчи ўрин, кумкўрғонлик Шосаидовлар, учинчи ўрин эса термизлик Абдуллаевлар оиласига насиб этди.

Мусобақа якунида голибларга, ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Истеъдод ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Бунда тинимсиз меҳнат, изланиш, интилиш, сабр-тоқат зарур бўлади. Иқтидорини намойён этиш йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган Ирода Матмуродова бугун дзю-до бўйича қатор муваффақиятларга эришди.

Дзюдоочи қиз

Унинг навбатдаги ютуғи — касаба уюшма спорт клуби аъзоси сифатида 2010 йил 20-23 декабр кунлари Самарқандда ўтказилган дзю-до бўйича Ўзбекистон кубогига 78 кг. вазнда 1-ўринни эгаллаши бўлди.

Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактабининг бошланғич синфида ўқиб юрган кезларидаёқ мураббий (марҳум) Хайрулла Абдурахмонов назарида тушган қизалоқ тез орада ўз иқтидорини намойён эта олди. 2007-2008

йилларда Республика Олимпия захиралари коллежиди билим олди. 2008 йил дзю-до бўйича республика терма жамоаси аъзолигига қабул қилинди. У 2009 йил қатор нуфузли спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, совринларни қўлга киритди. Ирода шу йили ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медалига сазовор бўлди.

2010 йил Ирода учун айниқса, омадли кечди. У Қаршида ўтказилган ёшлар ўртасидаги республика чемпионатида биринчи ўринни

эгаллаб, олийгоҳларнинг спорт йўналишига имтиёзли кириш лицензиясини қўлга киритди ва Жиззах Давлат педагогика институтининг жисмоний маданият факультетига қабул қилинди.

— Спорт менинг жону дилим, — дейди И.Матмуродова. — Юртимиз шарафини юксакларга кўтарган теннисчимиз Ирода Тўлагановага чин дилдан ҳавас қиламан. Мақсадим — устозларим Олимжон Муқимов ва Жаҳонгир Ашуров изидан бориб яхши мураббий бўлиш. Эндигина йигирма баҳор-



ни қаршилаётган Иродага спорт оламидаги энг нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шухратини бутун дунёга ёйишида омадлар тилдик.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири
Суратда: Ирода Матмуродова

ЭЪТИБОР

Мубораклик Шаҳбоз Саидмуродов яқинда Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтган VI жаҳон чемпионатида 66 кг. вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди.

Паҳлавон Маҳмуд ғалабаси такрорланди

У жаҳон чемпионатида беш марта гиламга чиқиб, барча беллашувларни ўз фойдасига ҳал қилди. Айниқса, финалда эронлик рақибини бир дақиқа-ю 38 сонияда «ҳалол» йиқитиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

— Ушбу ғалабага эришимда «Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг ҳам катта ҳиссаси бор, — дейди чемпион. — Нуфузли мусобақага мураббийим Фарҳод Тошев билан «Муборакнефтгаз» корхонаси томонидан реконструкция қилинган «Машъал» профессионал футбол клубига қарашли Абдукарим Юлбарисов номидаги ёшлар спорт мажмуасида тайёргарлик кўрдик. Янгича чирой очган мажмуага замонавий кураш гилами, бокс ринги ўрнатилди. Замонавий тренажёрларда жисмоний имкониятимизни ривожлантираёلمиз. Қулай шарт-шароит юксак ғалабалар сари ундайди. Жорий йилда ҳам билдирилган



ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

— Ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга ҳар биримиз масъулмиз, — деди корхона бошлиғи Ш.Шамсиев ўз нутқида. — 2010 йил мубораклик спортчиларга омадли келди. «Машъал» футбол жамоамиз олий лига баҳсларини кучли бешликда яқунлаган бўлса, «Машъал-академия»нинг 12 ёшлилар жамоаси Россия ва Қозоғистонда ўтган халқаро турнирлардан ғалаба билан қайтди. Ёш курашчимиз Шаҳбоз Саидмуродовнинг жаҳон чемпионатидаги ютуғи эса барчамизга Янги йил совғаси бўлди.

Шунингдек, корхонанинг яқун ва режаларига бағишланган тадбирида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортсевар оила» Республика мусобақасида фахрли 2-ўринни эгаллаган корхона ишчиси — Ягмировлар оиласи ҳам фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совға билан мукофотланди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Мурасасиз баҳс



Яқинда Гулистон шаҳрида касаба уюшма ходимлари ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида мини футбол бўйича вилоят очик турнири ўтказилди.

Мурасасиз тарзда ўтган баҳсларда 1-ўринни таълим ва фан ходимлари жамоаси, иккинчи ва учинчи ўринни агросаноат ҳамда энергетика тармоқлари ходимлари эгаллашди.

Голиб жамоалар вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг соврин ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Футбол



Қатарнинг «Ал-Фарафа» майдонида кечган ўйиннинг биринчи бўлими бошларида Горан Туфегич шогирдлари дарвозамизга анча-мунча хавф солишди. Бўлим ўрталарига келиб эса вакилларимиз ҳам хавфли ҳужумлар уюштира бошлашди. Учрашувнинг 40-дақиқасида кувайтлик ҳимоячи Александр Гейнрихни жарима майдончаси яқинида кўполлик билан тўхтатди. Бу кўполликни Максим Шацких муносиб жазолади — 1:0.

Иккинчи бўлимни ҳам рақибларимиз ҳужумкорлик билан бошлашди. Майдонга тушганига бир дақиқа ҳам бўлмаган

Иккинчи ғалаба

Қатарда бўлиб ўтаётган Осиё кубогига қатнашаётган миллий терма жамоамиз навбатдаги турда гуруҳимизнинг яна бир аъзоси Кувайт билан тўқнашди. Уйин иккала жамоа учун катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам ўйин асабий ва оғир кечди. Бундан ташқари, ҳакамларнинг чиқарган қарорлари ҳам футболчиларимизнинг асабийлашишига сабаб бўлди.

Ҳамад Нойифни Анзур Исмоилов жарима майдончамиз ичида чалиб йиқитди. Пеналтини эса Бадир ал-Мутва аниқ амалга оширди — 1:1.

Голдан сўнг терма жамоамиз таркибида дарҳол ўзгариш амалга оширилди. Максим Шацких ўрнига Жасур Ҳасанов майдонга туширилди. Умуман, Ҳасанов айнан мана шундай, фавқуллодда ҳолат учун сақлаб қўйилганини олдиндан тахмин қилиш қийин эмасди. Абрамовнинг бу ўзгариши, кутилганидек, ўз самарасини берди. 65-дақиқада чап қанотда турган Жасур Ҳасанов кувайтлик ҳимоячиларнинг тарқоқлигидан

усталик билан фойдаланди — тўп Жепаровга ерлатиб, аниқ етказиб берилди. «Жанубий Корея чемпиони»нинг зарбаси ундан ҳам чиройлироқ бўлди — гол! 2:1! Шундан сўнг ҳисоб ўзгармади. Лекин вакилларимизга бу ҳисобни ушлаб қолиш анча қийин бўлди.

Терма жамоамиз ўз гуруҳида 6 очко билан 1-ўринда бормоқда. Хитой ва Қатар терма жамоалари 3 очкодан жамғариб 2-ва 3-ўринларни эгаллашган. Бош жамоамиз 17 январда Хитойга қарши майдонга тушади. Демак, барчаси сўнгги турда ҳал бўлади.

Ўз мухбиримиз

Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор Бокс бокс залида 2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ҳамда Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан бокс бўйича ёшлар ўртасида очик биринчилик ўтказилди.

Рингда — ёшлар

Ушбу мусобақа Ўзбекистон халқ демократик партияси туман кенгаши, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман вакиллиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси бирлашган кўмитаси, «Камолот» ёшлар ушжимой ҳаракати туман кенгаши саъй-ҳаракати билан уюштирилди.

Мусобақада Бўстонлик, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент туманларидан келган 124 нафар 28 дан 66 кг.гача бўлган вазн тоифасидаги ёш чарм қўлқоп усталари иштирок этишди. Қизгин ўтган мусобақага мезбонлик қилган Юқори Чирчиқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 15 нафар ёш боксчиси фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ҳокимиятидан 2007 йил 20 августда реестр №003119-04 рақами билан рўйхатдан ўтказилган «ALRAMI-OST» масъулияти чекланган жамияти «ALRAMI-OST» нодавлат ўқув марказига айлантирилишини маълум қилади.

Маълумот учун телефон: 237-22-25

Европа иттифоқи раҳбарияти Португалияга қарз инқироzi бўйича ёрдам беришни режалаштирмоқда. Жумладан, мамлакатга 60 миллиард евро ҳажмида кредит берилиши кўзда тутилмоқда.

Ёрдам лойиҳасининг аниқ тафсилотлари келаси ҳафтада Европа мамлакатлари молия вазирлари томонидан кўриб чиқилади. Аммо Германиядаги жорий сиёсий вазият туфайли ушбу масаланинг муҳокамаси феврал ой-



Португалия

60 миллиардлик ёрдам

игача қолдирилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Португалия кейинги ойларда қарз мажбуриятларининг кескин ошиб кетиши туфайли қийин вазиятга тушиб қолган эди. Шу сабабли Европа Иттифоқи ўтган

йилнинг охиридан бошлаб Лиссабонга Греция ва Ирландия каби ёрдам кўрсатиш усулларини кўриб чиқишни бошлади (уларга 200 миллиард евро миқдорида ёрдам маблағи ажратилган эди).


Дунё иқтисодиётига хавф

2011 йилда дунё иқтисодиёти 3,3 фоизга ўсади. Бу ҳақда Бутунжаҳон банкининг расмий матбуот анжуманида хабар қилинди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ўтган йилда глобал иқтисодиёт 3,9 фоизга ортган.

Иқтисоди ривожланаётган мамлакатларнинг ялпи миллий даромади олти фоизга ўсиши кутилмоқда. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларнинг даромади бор-йўғи 2,4 фоизга ўсар экан. Дунёнинг энг тез ривожланаётган мамлақати ҳисобланган Хитойда ушбу кўрсаткич 8,5 ни ташкил этади. Бу эса ўтган йилга нисбатан оздир.

Мутахассисларнинг тахмин қилишича, 2012 йилда глобал иқтисодиётнинг ўсиш сурати 3,6 фоизга ортади.

Ўз навбатида, Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми ҳам 2011 йил учун ўз тахминларини билдирган. «Global



Risk Report-2011» деб номланган мазкур ҳужжатда ёзилишича, иқтисодий нотенглик ҳамда тартибга солиш суратининг кучсизлиги дунё иқтисодиётига хавф туғдириши мумкин.



Бразилия

Сув тошқинлари

Бразилиянинг жануби-шарқида юз берган сув тошқинлари ва ер ўпирилиши оқибатида юзлаб одамлар ҳалок бўлди. Бразилиянинг «GloboNews» телеканалда хабар қилинишича, қурбонлар сони 237 кишига етган.

Маълум бўлишича, энг кўп ҳалок бўлганлар мамлакатнинг «Серрана» тоғли ҳудуди аҳолиси бўлган.

Айни пайтда қутқарувчилар сув босган ҳудудлардан аҳолини эвакуация қилишмоқда. Қутқарув операцияларига 800 дан ортиқ киши ҳамда вертолётлар жалб қилинган.

Сув тошқинлари ва ер ўпирилишига тропик ёмғирларнинг тўхтовсиз ёғиши сабаб бўлган.

Белоруссиянинг Гроднен вилоятидаги ўрмонда бир овчи сонидан яраланди ва касалхонага жойлаштирилди. Хабарларга қараганда, овчи уни тулки отиб қўйганини айтмоқда. 40 яшар овчининг ҳикоя қилишича, ов пайтида у тулкини яралаган. Кейин




Белоруссия

эса қўндоқ билан уни «тинчитмоқчи» бўлган. Милтиқ қўндоғи билан тулкини ерга босганида, типирчилётган тулки беҳосдан оёғи билан тепкини босиб юборган. Оқибатда, ўқ овчининг сон қисмини тешиб ўтган.

Тулки ... овчини отиб қўйди

АҚШнинг Коннектикут штати Марказий университети ўзининг ҳар йиллик қизиқарли анъанавий тадқиқоти натижаларини эълон қилди. Унда одатда мамлакатнинг энг кўп «ўқийдиган» шаҳарлари аниқланди. 2010 йил натижаларига кўра эса, мамлакат пойтахти — Вашингтон энг «китобхон» шаҳар деб топилган.

Энг «китобхон» шаҳар



АҚШ

Ундан кейин эса 2005 йилдан буён юқори ўринлардан тушмай келаётган Сизтл ва Миннеаполис шаҳарлари жой олган. АҚШнинг Нью-Йорк, Чикаго ҳамда Майами каби энг йирик «мегаполислари» рўйхатнинг учинчи ўнлигидан жой олиш билан чекланган.

Тадқиқот раҳбари ҳамда университет ректори Жек Миллернинг қайд этишича, кейинги йилларда қўшма штатларда ўқувчилар сони хавотирли суратда камайиб бормоқда.

Энг кўп «ўқийдиган» шаҳарлар тадқиқоти университетда 2005 йилдан буён олиб борилади. Рейтингда шаҳарларга бир нечта асосий омилларга кўра баҳо берилади: шаҳар кутубхоналари ҳамда китоб дўконларининг сони, даврий нашрлар тиражи, газеталарнинг чиқиш тезлиги, оммавий саводхонлик марказларининг сони ва ҳ.к. Тадқиқот аҳоли сони 250 мингдан кўп бўлган шаҳарлар ўртасида ўтказилади.

Маълумки, ўтган йилнинг декабр ойи охирида Австралиянинг шимоли-шарқида ёққан жала оқибатида сув тошқинлари содир бўлган эди.

Сув балосидан асрасин

Квинсленд штати мэри Анна Блай сув тошқини келтирган зарарни беш миллиард доллар деб эълон қилди. Оммавий ахборот воситаларида маълум қилинишича, Блай ҳукуматга маблағ ажратишни сўраб мурожаат қилган. Маълум бўлишича, йўл ва кўприкларни тиклашга икки миллиард доллар керак бўлади.

Табиий офат қурбонлари ҳақида ҳам илк маълумотлар пайдо бўлди. 13 январ куни Квинсленд маркази Брисбен шаҳрида



Австралия

24 ёшли эркекнинг жасади топилган. Худуд бўйича жами 15 киши қурбон бўлган, 90дан ортиқ киши эса бедарак йўқолган. Шунингдек, 12 мингга яқин турар-жой биноларини сув босган.

Нефт етказиш тўхтатилди

Россия компаниялари 2011 йилнинг 1 январидан Беларуссияга нефт етказиб беришни тўхтатди. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги компаниялардан олинган маълумотларга асосланиб хабар тарқатди.

Маҳсулот етказиб берилишининг тўхталishi эса томонларнинг нархларни ўзаро келиша олмагани сабаб бўлган. Хабарларда айтилишича, келишмовчилик нефтни Беларуссия орқали бошқа мамлакатларга етказиб берилишига таъсир қилмайди.

Белоруссия томон эса нефт етказиб бериш январ ойи охиридан қайта бошланишига умид боғламоқда. Чунки мамлакат заводларининг хом ашё захиралари шу муддатгача етади холос.



Россия

/// **Китоб жавонингизга**

Инсон юраги — энг ажиб мўъжизаларга тўла олам. Унинг ўзига хос иқлимлари бор, ҳам баҳор, ҳам кузлар, тонгу тунлар, ором ва нотинчликлар ҳам ҳукм суради унда. Айни шу жараёнда: юракнинг сокинлигу сирларга тўлган, туйғу жўш урган чоғида шеър туғилади.



Самимий оҳанглар ортидан

Юрак қонидан ранг олган сатрларгина юракка етиб боради. Кўнгил садосини ўзида жо этган шеърлар туйғулар оламини забт этади. Шоирлик ўша туйғуларнинг табиийлиги ва ҳаққонийлигига шеърхонни ишонтира олишдир. Ишонтира олиш — истеъдоднинг ибтидоси.

Акмак Тошнинг «Фариштали кунлар» («Академнашг» нашриёти, 2010) тўпламини кўздан кечирар экансиз, кўнглингизга да сўз отлиг фаришталар энаётганини ҳис қиласиз. Шоирнинг туйғулари, улар ҳақидаги СЎЗи сизни ишонтиради. Шунинг учунми гоҳ «Болаликнинг хаёллари» этагидан тутасиз, гоҳ «Шамолларга айланаиб...» олис, беташвиш, самимий нигоҳларга тўла кунларингизга қайтасиз.

А.Тошнинг мазкур тўпламида руҳий кечинмаларни янгича ифодалаш, мураккабликка интилиш етакчилик қилади. Шунингдек, мавзуларнинг кенг қамровлилиги ўқувчи эътиборини тортади. Шеърларда болалик, ишқ, руҳият сарҳадларидаги кечинмалар алмашиб туради. Шоир туйғуларини ўқувчига янгича бир оҳанг билан тақдим этишга ҳаракат қилади. Оҳанг эса шеърят устунларидан дея эътироф этилади. Туйғунинг куйга айланиши, қалбларни забт этиши самимий оҳангга-да боғлиқ.

Шунингдек, шоир миллий қадриятлари мизга ҳам тез-тез мурожаат этади, яъни ўзимизга хос хислатларни имкон қадар қўллашга ҳаракат қилади. Унда тарихий воқеаларни, буюк аждодларимизнинг матонатини туйғулар ифодасига сингдириб юборишга бўлган интилиш кучли. Бу яхши. Негаки, ижодкор миллий илдиэларидан куч олиб, камолга этади.

Шеърят мухлисларини янги тўплам билан кутлар эканмиз, унинг муаллифига сўздек қадри баландлик тилаб, ижоднинг машаққатли йўллари аро ўзбекнинг яна бир забардаст шоири пайдо бўлишига умид қилиб қоламиз:

Д.УСМОНОВА

Фидойи ҳамшира

Ярим тун. Оғир дарддан фориғ бўлиб ўзига келган бемор кўзини аста очаркан, тепасида майин жилмайиб турган ҳамширани кўриб, енгил тин олди.

— Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? — унинг меҳрибонлиги беморга куч бағишлади.

— Яхши, — деди лаблари қуруқшаб.

— Ҳали бу дардларни кўрмагандек бўлиб кетасиз, — дея, у шифокор томонидан буюрилган муолажани бажаришга киришди...

Дарҳақиқат, ҳамшираларнинг оқ либосли фаришталар, дея таърифланиши бежиз эмас.

Муҳаббатхон Отахонованинг шу соҳада хизмат қилаётганига йигирма беш йил бўлди. Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси 2-ички касалликлар бўлимида фаолиятини бошлаган Муҳаббатхон ўткирлиги, ширин муомаласи ва чаққонлиги билан жамоа ишончини оқлади.

— Ҳар бир муваффақиятида устозлар, жумладан, Ризда Минкашева, Дилором Умарова, Сайфулло Ҳайитов, катта ҳамшира Муқаддас Азимоваларнинг муносиб ҳиссаси бор, — дейди олий тоифали ҳамшира Муҳаббатхон.

У 3 фарзанднинг меҳрибон онаси, ўзи истиқомат қилаётган «Чилонзор» маҳалласи аҳли ундан ҳамиша мамнун.

Фидойи ҳамшира вилоят, шаҳар соғлиқни сақлаш идоралари томонидан бир неча марта фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

/// **Ажабо!**



Тескари реклама

Саудия Арабистонида Американинг машҳур оғрик қолдирувчи дориларидан бирининг рекламаси йўлга қўйилди. Ишлаб чиқарувчилар маблағни аямай, учта йирик панодан иборат лавҳа тайёрлаб, осдилар. Бундан биринчи суратда юзи оғриқдан буришган аёлнинг аянчли аҳволи акс эттирилган. Иккинчисида унинг до-рини ичаётгани, учинчи суратда эса чиройли юзида та-бассум жилваланаётгани ифодаланган. Лекин реклама агентлиги бир нозик жихатни ҳисобга олмагандилар — араблар ўнгдан чапга ўқишади...



Рисом: Хусан СОДИҚОВ

Қирол ва каллар ресторани

«Бизда ҳеч қачон шўрвадан соч толаси чиқмайди!» Бу гап ошпаз ва официантлари мутлақо кал бўлган Лондон ресторанининг шioriдир. Дарвоқе, 1727 йили Англия қироли Георг II нўхат шўрвадан соч толасини топиб, эллик бир нафар ошпазнинг ёлпасига сочини олишга ва тозалик инспектори лавозимини тайинлашга фармон берган. Ҳозиргача амал қилинаётган ошпазлар қалпоғини кийиш тартиби ҳам ушбу фармонга кўра тайинланган.



Кир ва Александр Македонский ўз аскарларини номма-ном билишган, кейингиси эса 30 мингдан зиёд аскарларининг отини, от туёқларининг изларини ҳам ажратолган.

Нютон шунчалик паришонхотир бўлганки, ташқарига нима учун чиққанини билмай яна орқасига қайтиб келарди. Эйнштейн оддий кўпайтиришларни ҳам билмас, Тьюшерел эса ўз исмини ҳам унутиб қўяр экан. Тилдан қолган Линнейнинг сеvimли гербарийси олдига олиб боришганида сўзлаб юборади.



Хитой ошхонасини таёқчаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин эҳтиёт бўлинг: таёқчани тик тутиб гуручли таомга санчиш ўлим маъносини ифодалайди.

Корейс хонадонига пойабзални ечиб кириш шарт. Акс ҳолда, уй эгасига ҳурматсизлик қилган бўласиз.

Малайзияда бош муқаддас аъзо ҳисобланади. Ҳеч қанақа сабаб унга қўл теккизиш, силаш ёки шунчаки эркалатиб сочини теккислаб қўйишга изн бермайди. Бу ҳаракатингиз малайзияликни ранжитади.



oliy baxt

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Бизга кўнгирик қилинг:

Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навий + 99893 725 46 40;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табок.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй,
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар h белгиси остида чоп этилади.

E-mail: ishonch 2011@gmail.com

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

С.Абдурахмонов

Мусахҳих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер:

Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти -21.00
Топширилди - 23.50

Буюртма Г— 151

Тиражи: 21000

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5